Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши. № 27 (13.587).
1 ФЕВРАЛЬ 1967 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТЛАР ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

Тошкентдаги корхона, қурилиш ва муассаса партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитети 1966 йил декабрь Пленумининг якунларига бағишланган йиғилишлар бўлмоқда.

Тошкентдаги Чкалов номли авиация заводида бўлган партия йиғилишида кўп одам қатнашди. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов декабрь Пленумининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

«Ташкенткабель» заводи коммунистларининг йиғилишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов доклад қилди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Б. С. Насриддинова Тошкент Тўқимачилик комбинати коммунистлари олдида нутқ сўзлади. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов Кўйлиқ ремонт-механика заводи партия ташкилотининг йиғилишида пленум якунлари тўғрисида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми якунларига бағишланган йиғилишларда қарорлар қабул қилинмоқда. Бу қарорларда коммунистлар пленум қарорларини бутунлай ва тўла маъқулламоқдалар, қарор якунларини меҳнаткашларга кенг тушунтириб бериш тадбирларини белгиламоқдалар. (УзТАГ).

ЮКСАЛАВЕР, СЕРҚУЁШ ЎЛКА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1966 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга ошира бориб ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, беш йилликнинг биринчи йилида техника тараққиётини тезлаштириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан энг муҳим вазифаларни муваффақият билан бажара бориб, социалистик экономикани ривожлантириш ва халқ турмуш даражасини кўтаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон ССР экономикаси қандай ўсганлиги ва халқ моддий фаровонлиги қандай ошганлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади: ижтимоий маҳсулот (моддий ишлаб чиқариш барча тармоқларининг маҳсулоти) 1965 йилдагига нисбатан 9 процент, миллий даромад 10 процент, бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти 9 процент, капитал маблағ сарфлаш 16 процент, умум фойдаланадиган автомобиль транспортининг юк обороти 13 процент, чакана товар обороти 12 процент, халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг сони 5 процент ошган.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг айрим тармоқларида давлат плани қандай бажарилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

САНОАТ

Республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 103 процент бажарди, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 9 процент ортди, шу жумладан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли саноат бўйича — 7 процент ортди. Тошкент шаҳри, республикaнинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР саноати йиллик плани ортиғи билан бажарди.

1965 йилга нисбатан 1966 йилда электр энергия ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш 9 процент, ёқилғи саноатининг ялпи маҳсулоти — 25 процент, шу жумладан газ саноатида ялпи маҳсулот — 29 процент, қора ва рангли металлургияда 29 процент, химия ва резина-асбест саноатида 16 процент, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатида 9 процент, қурилиш материаллари саноатида 14 процент, енгил саноатда 6 процент, озиқ-овқат саноатида 5 процент ортди.

Саноат министрликлари ва идораларининг корхоналарида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1966 йил планининг бажарилишини ҳамда саноат ишлаб чиқариши ўсишининг суръатини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	1966 йил плани: минг бажарилиш процента	1966 йилда 1965 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Умумиттифоқ министрликлари ва идораларига қарашли корхоналарда:		
Газ саноати министрлиги	98	122
Оғир машинасозлик, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги	103	105
Электротехника саноати министрлиги	102	108
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги	101	99,8
Асбобсозлик, автоматлаштириш ва бошқариш системаси воситалари министрлиги	117	182
Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	99,0	99,2
Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда рўзғор асбоблари машинасозлиги министрлиги	101	109
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги	100,3	105
Автомобиль саноати министрлиги	102	77
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	102	111
СССР Министрлар Совети ҳузуридаги микробиология саноати бошқармаси	108	108
Иттифоқ-республика ҳамда республика министрликлари ва идораларининг корхоналарида:		
СССР Қора металлургия министрлиги	104	106
СССР Рангли металлургия министрлиги	102	131
«Ўзбекуголь» комбинати	102	99,0
«Ўзбекнефть» бирлашмаси	98	93
СССР нефтни қайта ишлаш ва нефтьхимия саноати министрлиги	102	139
Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги	101	109
Ўзбекистон ССР химия саноати бошқармаси	107	116
Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси	103	106
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлиги	100,5	112
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	103	103
Ўзбекистон ССР Пахта саноати министрлиги	102	107
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	103	105
Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги	106	101
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги бошқармаси	102	102
Маҳаллий саноат министрлиги	99,6	115
Ғалла маҳсулотлари ва омухта ем саноати министрлиги	103	106

Республика саноати пўлат, прокат ишлаб чиқариш, газ, кўмир қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, куч трансформаторлари, зирҳли кабель, марказдан қочма насослар, осма электр кранлар (шу жумладан махсус кранлар), экскаваторлар, трактор прицеплари, тракторлар, пахта териш машиналари, қўсак чувиш машиналари, холодильниклар, минерал ўғитлар, цемент, мебель, пахта толаси, каноп толаси, ип газлама ва шойи газлама, трикотаж уст-бош, чарм пойафзал ишлаб чиқариш, балиқ овлаш, мол ёғи, каймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, совун ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш йиллик плани тўла ошириб бажарилди.

Энг муҳим саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш қандай бўлганлигини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	1966 йилда ишлаб чиқарилган	1966 йилда 1965 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия — миллиард киловатт соат	12,1	105
Нефть — минг тонна	1721	96
Газ — миллиард кубометр	22,6	137
Кўмир — минг тонна	4430	98
Пўлат — минг тонна	383	104
Қора металлар прокати — минг тонна	268	105
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда) — минг тонна	2548	119
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	1601	117
Зирҳли кабель — минг километр	14,3	107
Марказдан қочма насослар — минг дона	16,7	120
Компрессорлар — дона	1603	121
Тракторлар — минг дона	19,1	114
Трактор прицеплари — минг дона	30,4	117
Қўсак чувиш машиналари — дона	2500	112
Пахта териш машиналари — дона	7204	93
Осма электр кранлар, шу жумладан махсус кранлар — дона	940	103
Экскаваторлар — дона	1006	96
Цемент — минг тонна	2631	107
Йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар — буюмларнинг минг кубометри	1951	115
Деворбоп панеллар — минг квадрат метр	1664	117
Иморатбоп ғишт (колхозлар ишлаб чиқарганидан ташқари) — миллион дона	1169	104
Асбоцемент шифер — миллион шартли плитка	198,9	125
Қоғоз — минг тонна	20,0	115
Мебель — миллион сўмлик	26	99
Рўзғор холодильниклари — минг дона	31,1	104
Пахта толаси — минг тонна	1321	104
Хом ипак — тонна	963	103
Каноп толаси — минг тонна	30,5	102
Ип газлама — миллион квадрат метр	182,1	92
Шойи газлама — миллион квадрат метр	38,9	114
Пайпоқлар — миллион жуфт	29,9	102
Ички трикотаж — миллион дона	18,4	110
Устки трикотаж — минг дона	5888	108
Чарм пойафзал — миллион жуфт	14,9	105
Овланган балиқ — минг центнер	146,9	86
Мол ёғи *) — тонна	7159	102
Сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сут, сузма, кефир, қатиқ, қаймоқ, ва ҳоказо*) — минг тонна	158,6	108
Ўсимлик мойи *) — минг тонна	327,3	106
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	57,5	98
Консервалар — миллион шартли банка	198,4	89
Совун (таркибида 40 процент мой кислотаси бўлган совунга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна	118,9	101

1965 йилга нисбатан электр энергия 617 миллион киловатт-соат, газ 6,1 миллиард кубометр, минерал ўғит — 402,7 минг тонна, трактор прицеплари — 4396 дона, цемент — 166 минг тонна, пахта толаси — 49 минг тонна ортиқ ишлаб чиқарилган.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортганлиги шойи газламалар 4,8 миллион квадрат метр, пойпоқлар 545 минг жуфт, ички трикотаж 1,6 миллион дона, устки трикотаж 461 минг дона, чарм пойафзал — 759 минг жуфт, ўсимлик мойи — 19,1 минг тонна ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортган.

Республика саноатида 1966 йил мобайнида янги конструкциядаги кўплан-кўп машиналар, яхшиланган модель ва бичимдаги буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Тайёрлаган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари кўтарилган.

Конструкторлик ташкилотлари ва машинасозлик корхоналари пахтачилик учун янги машиналар яратишга доир катта ишлар қилганлар: туксизлантирилган чигитни тўрт қаторлаб зич уяларга экадиган сеялка, чиллийдиган мосламаси бўлган тўрт қаторли ғўза культиватори, ўсимликни озиқлантириш машинаси, бир хиллаштирилган аппаратлари бўлган шпинделли пахта териш машиналари шулар жумласидандир. Халқ хўжалигини бошқа тармоқлари учун ҳам янги конструкциядаги бир қанча машиналар яратилди.

Саноатнинг бир қанча тармоқларидаги техника иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди. Цемент тегирмонларининг соатли иш унуми ортди, улардан фойдаланиш коэффициенти кўпайди, бекор қолишлари камайди. Электр энергия ва иссиқлик энергияси ҳосил қилиш учун кетадиган шартли ёнилгининг солиштирма сарфи пасайди. Енгил ва озиқ-овқат саноати бир қанча тармоқларининг корхоналари техника иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришдилар.

Республика ихтирочилари ва рационализаторлари 1966 йилда 40 мингдан ошиқ таклиф киритдилар, жорий қилинган таклифлардан келадиган иқтисодий самара бир йилга ҳисоблаганда 30 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

Фан ва техника ютуқларини, шунингдек илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш иш унуми ва маҳсулот таннархи жиҳатидан йиллик планининг бажарилишига имкон берди. Республика саноатидаги меҳнат унумдорлиги 1965 йилдагига нисбатан 5 процент кўпайди. 1966 йилда маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан кўрилган пландан ошиқча тежам бир неча миллион сўмни ташкил қилди.

1966 йил ишлаб чиқаришнинг янги шаклига ўтиш ҳамда саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтиришга доир тадбирларни жорий қила бошлаш йили бўлди. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилган корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш юзасидан орттирилган планларни ошиғи билан бажардилар. Рентабеллик ва фойда юзасидан план топшириғининг бажарилиши натижасида асосий фонд ва оборот маблағлари тўловларини батамом бюджетга киритиш, шунингдек рағбатлантириш фондларига пул ажратиш мумкин бўлиб қолди.

Саноатнинг ишида эришилган муваффақиятлар билан биргаликда баъзи бир камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бир қанча корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини, шунингдек натура ифодасида буюмлар чиқариш планини бажармади. Айрим корхоналар янгитдан ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларини секин ўзлаштирдилар, машина-ускуналардан тўла фойдалана олмадилар, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, илғор технология процессларини жорий қилиш плани тўла ҳажмда бажарилмади. Техника-иқтисодий кўрсаткичлар, меҳнат унуми, таннарх ва фойда юзасидан берилган топшириқлар бир қанча корхоналарда бажарилмай қолди.

*) Колхозлар ишлаб чиқаргани ва аҳоли хонадонларида етиштирилгани бу ҳисобга кирмайди.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ—ИТАЛИЯ АХБОРОТИ

РИМ, 30 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийнинг Италия Президенти Ж. Сарагат билан олиб борган музокаралари тамом бўлганидан кейин бу ерда Совет — Италия ахборотининг тенги эълон қилинди.

Ахборотда, жумладан бундай дейилади: Совет Иттифоқи билан Италия ўртасида ривожланиб бораётган дўстона муносабатларга мос равишда гоят самимий вазиятда ўтган визит Совет ва Италия давлат арбобларининг тинчлик ҳамда халқаро ҳамкорликка доир энг муҳим проблемалар юзасидан кенг фикрлашиб олишларига ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни батафсил қараб чиқишларига имконият туғдирди.

Ҳар иккала томон барча давлатларнинг социал тузуми қандай бўлишидан қатъи назар, ўз муносабатларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида ёзилган тинч-тотув яшаш принципларига амал қилишлари, хусусан мустақиллик ва миллий суверенитетни, территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик, ички ишларга аралашмаслик, барча халқларнинг ҳуқуқий тенглигига риоя қилишлари муҳим, деган қарорга келишди ва бу принципларнинг халқаро муносабатларда батамом қарор топиши учун куч-ғайратларини сарф қилиш ниятида эканликларини айтишди.

Томонлар самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битим тузиш — халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг амалий воситаси эканлигига ишонганликларини яна изҳор қилдилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш юзасидан жаҳондаги барча давлатларнинг иштироки билан жаҳон конференциясини чақириш тўғрисида қабул қилган резолюциясига содиқ эканликларини таъкидладилар. Бундан ташқари улар қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи Женевадаги 18 давлат комитетининг фаолияти кўпроқ наф ва самара берадиган бўлишидан манфаатдор эканликларини айтдилар.

Ҳар иккала томон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси қабул қилган бир қанча резолюцияларга мувофиқ ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида битим тузилишига актив ёрдам бериш керак, деб келишиб олди.

Томонлар ядро қуролининг ҳар қандай синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузиш кераклигини ҳам айтдилар.

Халқаро кескинликни юмшатиш ва Европа хавфсизлиги проблемалари ҳамда ҳар иккала томон катта аҳамият бераётган бошқа масалалар батафсил қараб чиқилди.

Томонлар Умумевропа кенгашини чақириш масаласини қараб чиқдилар. Улар яхши тайёргарлик билан ўтказиладиган бундай кенгаш қарашларни яқинлаштириш ва манфаатдор давлатлар олдида турган проблемаларни ҳал этиш мақсадида уларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириб сарф-лаш учун қулай форум бўла олур эди, деган қарорга келишди. Умумевропа кенгашига пухта тайёргарлик кўрилишига ёрдам бериш мақсадида ҳар иккала томоннинг бу масалани ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқ ва ўз вақтида кўрилган тадбир бўлур эди, деб топилди.

Шарқи-жанубий Осиёда рўй берган вазиятга келганда, томонлар ўз фикрларини баён қилиб бердилар. Вьетнамдаги аҳвол тинчлик ишига жиддий хавф туғдираётганлигини айтишиб, бу мамлакатдаги аҳвол-дан ташвишланаётганликларини билдирдилар.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Италия ўртасидаги муносабатлар хусусан кейинги вақтларда кўп соҳаларда анча ривожланганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида яқинда СССР билан Италия ўртасида тузилган ҳукуматлараро битим катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Сўнгра атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида тузилган битимни бажариш йўлида самарали иш қилиняётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Томонлар СССРда енгил автомобиллар заводи қурилишида «Фиат» ширкатининг совет ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Томонлар СССРдан табиий газни Италияга етказиб бериш ва шу мақсадда газ қувури қуриш имкониятларига доир проблемалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилдилар. Ҳозирги вақтда шу тўғрида музокара олиб борилмоқда.

Юқ ташиш ҳажми анча ортганлиги муносабати билан томонлар денгиз пароходчилиги тўғрисида СССР билан Италия ўртасида битим тузишни зарур деб топдилар. Шу мақсадда улар яқин орада музокаралар бошлашга қарор бердилар.

Томонлар СССР билан Италия ўртасида консуллик конвенциясини тузиш тўғрисидаги музокаралар муваффақиятли тугалланганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар ва Совет — Италия маданий муносабатлари муваффақиятли ривожланаётганлигидан қаноат ҳосил қилганликларини айтдилар.

Визит вақтида Римда СССР билан Италия ўртасида кинематография соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Шу битим бу соҳада ҳар иккала мамлакат ўртасида мавжуд бўлган ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга, шу жумладан фильмларни биргаликда тайёрлашга ёрдам беради.

Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиуми номидан Италия Республикасининг Президенти Жузеппе Сарагатни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Н. В. Подгорний Совет ҳукуматининг расмий визит билан Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифномасини Италия Республикаси Министрлар Советининг Раиси Альдо Морога топширди. Итальян томони бу таклифларни миннатдорчилик билан қабул қилди. Визит вақти қўшимча равишда келишиб олинади.

Чирчиқ трансформатор заводида йирик трансформаторлар ишлаб чиқаришга киришилди. Корхона маҳсулоти қурилишлар ва саноат корхоналарига юборилмоқда. Чет элларда ҳам завод трансформаторларининг бозори чаққон. Суратда: контролёр Лидия Янковская трансформаторларни текшириб кўрмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ХАЛҚЛАРИ IV СПАРТАКИАДАСИНИНГ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

1967 йил 30 январда СССР халқлари IV спартакиадаси ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Бу спартакиада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилади.

Ташкилот комитети РСФСР, Қозоғистон ССР физкультура коллективларида ва касаба союзлар спорт жамиятларида СССР халқлари юбилей IV спартакиадасининг биринчи босқичига мўлжалланган оммавий спорт мусобақалари қандай ўтаётганлиги тўғрисидаги ахборотни, спорт товарлари, инвентарлари, асбоб-ускуналари сотиш қандай йўлга қўйилганлиги ҳақидаги ва спартакиаданинг финал мусобақасига Москва ҳамда Ленинград спорт иншоотларини тайёрлаш ҳақидаги масалаларни тинглади. Ташкилот комитети муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди ҳамда ўзининг бундан кейинги иш режаларини тасдиқлаб олди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров раислик қилди (ТАСС).

ЮКСАК МУКОФОТ

Брянск областининг меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши даврида партизанлар ҳаракатида актив қатнашганликлари, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда мардлик ва шижоат кўрсатганликлари ҳамда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда муваффақиятларга эришганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми Брянск областини Ленин ордени билан мукофотлади.

* * *

Украина ССР Полтава областининг меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда муваффақиятларга эришганликлари учун шу область Ленин ордени билан мукофотланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг таклифига биноан, республикамизда меҳмон бўлган Чехословакия Фанлар академиясининг делегацияси 31 январда самолётда Тошкентдан ватанига учиб кетди.

Қардош мамлакатдан келган меҳмонлар ўн кун мобайнида Ўзбекистон олимлари эришган ютуқлар билан танишдилар. Меҳмонлар Самарқанд билан Бухорининг архитектура ёдгорликларини бориб кўрдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Нишонов Чехословакия олимлари делегациясини қабул қилди.

ЮКСАЛАВЕР, СЕРҚУЁШ ЎЛКА

(Боши биринчи бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

1966 йилда республика қишлоқ хўжалиги янада ривожланди.

Ўзбекистон пахтакорлари янги жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар табиий офатлар туфайли бир қанча районларда вужудга келган каттагина қийинчиликларни енгиб, меҳнат ва моддий ресурсларни сафарбар этиб ҳамда юксак уюшқоқлик кўрсатиб, бутун пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган ҳосил етиштирдилар. Давлатга 4 миллион 82 минг тонна, пландагидан 382 минг тонна ортиқ пахта топширилди. Пахта ҳосилдорлиги ҳам сезиларли равишда ортди, ўрта ҳисобда ҳар гектардан 25,1 центнер дон ҳосили йиғиштириб олинди.

Барча областлар, Қорақалпоғистон АССР, кўпчилик районлар, колхоз ва совхозлар давлат пахта тайёрлаш плани ортиғи билан бажардилар. Самарқанд областининг пахтакорлари пландан ортиқ 59,2 минг тонна пахта, Хоразм области — 55,5 минг тонна ва Қорақалпоғистон АССР — 59,9 минг тонна пахта бердилар. Республиканинг бошқа областлари ҳам пахта етиштиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

1966 йилда колхоз ва совхозларнинг қарийб учдан иккиси ҳар гектардан 25 центнердан ортиқ пахта териб олди.

Машина терилиши янада ривож топтирилиши пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берди. Кўпчилик майдонларда ғўза дефолиациясининг ўз вақтида ўтказилиши, меҳнат ҳақиқ ташкил этилиши ҳамда пахта териш техникасидан янада тўлароқ фойдаланилиши натижасида 1329 минг тонна пахта, яъни ҳосилнинг учдан бири машиналар билан териб олинди. 1965 йилда эса 939,5 минг тонна ёки 24,1 процент ҳосил машиналар билан терилган эди.

Деҳқончилик маҳсулотларининг бошқа кўпчилик турларини етиштириш ҳам кўпайди. Ғалла етиштириш 1966 йилда 1965 йилга нисбатан 10 процент, сабзавот — 8 процент, полиз маҳсулотлари — 15 процент, узум 18 процент кўпайди ва ҳоказо.

1966 йилда чорвачилик ҳам янада ривож топди. 1966 йилда барча категориялардаги хўжаликларда маҳсулдор чорва моллари туғёни кўпайди: қорамол 6 процент, шу жумладан, сигирлар — 5 процент, чўчқалар 10 процент, қўй ва эчкилар 3 процент кўпайди. Парранда сони ҳам анчагина кўпайди. Мол туғёнини кўпайтириш плани барча асосий турлар бўйича 1967 йил 1 январигача бажарилди.

Колхоз ва совхозлар мол туғёнини кўпайтириш билан биргаликда унинг маҳсулдорлигини бирмунча кўтаришга ҳам эришдилар. Сут, тухум, жун ва чорвачиликнинг баъзи бир бошқа маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Республика қурт боқувчилари пилла етиштириш вазифасини муваффақият билан адо этдилар. Шу қимматли маҳсулот турини тайёрлаш давлат плани ортиғи билан бажарилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг кўпайиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари энг муҳим турларини харид қилиш ва тайёрлаш миқёсини 1965 йилга нисбатан кўпайтиришга имкон берди.

	1965 йилда харид қилинган	1966 йилда хўжаликларнинг барча категорияларида харид қилинган
Пахта — минг тонна	3903,7	4082,0
Ғалла — минг тонна	212,3	320,6
шу жумладан шоли	67,8	73,9
Сабзавот — минг тонна	359,6	389,9
Полиз маҳсулотлари — минг тонна	186,0	187,8
Узум — минг тонна	146,9	181,1
Сут — минг тонна	301,4	313,8
Жун — минг тонна	20,7	22,0
Тухум — миллион дона	154,9	176,7
Пилла — минг тонна	18,1	18,4

1966 йили тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг парки тўлдирилди. Ўтган йили республикада қишлоқ хўжалигига 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 27,9 минг трактор, 5,1 минг пахта териш машинаси, 1,8 минг юк автомобиллари, 1,8 минг косилка, 596 минерал ўғит сепувчи машина 72 ёмғирлатиб суғориш машинаси, 5,2 минг трактор плуги, 4,8 минг трактор сеялкаси, 14,5 мин. трактор культиватори ҳамда энг янги конструкциядаги кўпгина бошқа машина ва иш қуроллари етказиб берилди. Республика қишлоқ хўжалигига 2684 минг тоннадан ошиқ минерал ўғитлар ҳам олди. Бу — 1965 йилдагидан 134 минг тонна ошиқдир.

1966 йилда ирригация-мелиорация ишларига анчагина маблағлар сарфланди, бунинг натижасида суғориладиган ерлар яна кўпайди, бир қанча районларнинг сув билан таъминланиши ошди ва ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланди.

Давлат ва колхозлар ишлаб чиқариш объектлари, уй-жойлар колхоз ва совхозлардаги маданий ва давлат муассасалари қурилишларига катта-катта маблағлар берди.

Эришилган муваффақиятлар билан биргаликда қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларида белгиланган топшириқлар тўла бажарилмади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ўрта Осиё темир йўлининг Ўзбекистон ССР территориясидаги бўлимлари 1966 йилда юк ташиш планини 100 процент, юк обороти планини 105 процент бажарди. 1965 йилга нисбатан юк ташиш 11 процент ва юк обороти 13 процент ортди. Тошкўмир, кимёвий минерал ўғитлар, пахта толаси ва бир қанча бошқа юклар ташиш йиллик плани ошириб бажарилди. Темир йўлнинг Тошкент бўлими Тошкент шаҳри учун юк операцияларга ҳажмини жуда ошириб юборди, бу эса қурилиш ишлари суръатини анчагина тезлаштиришга ёрдам берди. Аммо, айрим биноқорлик ташкилотлари ва саноат корхоналари темир йўл станцияларидан юкларни ўз вақтида ташиб олмаётганликлари туфайли транспорт ишида қийинчилик вужудга келтирмоқда.

Умум фойдаланишдаги автомобиль транспорти 1966 йил планини юк ташиш соҳасида 102 процент, юк обороти 105 процент бажарди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юк ташиш 8 процент, юк обороти 13 процент ошди. 1966 йилда 77,8 миллион пассажир, ёки бундан аввалги йилдагига нисбатан 12 процент кўп пассажир ташилган бўлсада, бу соҳадаги план тўла бажарилмади.

1966 йилда шаҳар электр транспорти тармоғи бирмунча ривожланди — трамвай, троллейбус линиялари узайди, машина ва вагонлар сони кўпайди. Троллейбус парки пассажир ташиш планини бажарди, бир йил мобайнида ташилган пассажирлар 7,5 миллион киши кўпайди. Трамвайларда пассажир ташиш плани бажарилмади. 1966 йилда 1965 йилга нисбатан 12,5 миллион пассажир камроқ ташилди.

Ҳаво транспорти янада ривож топди. 1966 йилда граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси пассажир обороти планини 113 процент бажарди, 1965 йилга нисбатан пассажир обороти 28 процент ошди.

Алоқа корхоналари ва ташкилотлари кўрсатадиган хизмат ҳажми 1966 йилда ошди. 252 янги алоқа бўлимлари очилди, шу жумладан қишлоқ жойларда 218 алоқа бўлими очилди. Янги автоматик телефон станциялари фойдаланишга топширилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1966 йилда республика ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларига капитал маблағлар сарфлаш ортди, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларининг қуввати зўрайди. Мавжуд рангли металлургия, нефть, газ, химия ва машинасозлик саноати корхоналарида янги қувватлар фойдаланишга топширилди, биноқорлик материаллари саноати корхоналарида йирма темир-бетон конструкциялар ва металлар, ғишт, аглопорит, инерт ва бошқа биноқорлик материаллари ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди. Тошкент ва Навоий ГРЭСларида, Ленин номли Фарғона ТЭЦида янги агрегатлар ҳамда янги электр узатиш линиялари фойдаланишга топширилди. Тошкент ёғ-мой комбинати, Наманган сут-мой заводи, Самарқанд мебель фабрикаси, Наманган шаҳрида темир-бетон буюмлар чиқарадиган завод ва бошқа корхоналар ишлаб турган корхоналар сафига кирди. Тўқимачилик, трикотаж, консерва, вино тайёрлаш ва ун-ёрма саноати корхоналарининг қуввати оширилди.

1966 йилда республика ҳалқ хўжалигига сарфланган давлат капитал маблағларининг умумий ҳажми 1582 миллион сўмга борди, бу 1965 йилдагилан 16 процент кўпдир. Қурилиш индустриясига капитал маблағлар сарфлаш энг юксак суръатлар билан ошди, бу соҳада 1965 йилдагига нисбатан 29 процент, кўмир саноатида — 32 процент, электростанциялар, электр ва иссиқлик тармоқлари қурилишида 30 процент, химия саноатида 14 процент, ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноатида 22 процент, шунингдек озиқ-овқат саноатида 17 процент ва енгил саноатда 13 процент кўп капитал маблағ сарфланди.

Ўтган йили қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 21 процент ошди. Қурилиш ташкилотларининг қурилиш ишларини ташкил этишни яхшиловчи моддий воситалар билан кўпроқ таъминланиши, етакчи қурилишларда моддий техника ва меҳнат ресурсларининг тўпланиши ҳамда қурилиш техникасидан яхшироқ фойдаланиш туфайли қурилиш-монтаж ишлари кўпайтирилган, ҳажмининг бажарилишига ёрдам берди. Республика Министрлар Советига қарашли пулратчи қурилиш ва монтаж ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарадиган пудратли ишлари ҳажми 1965 йилдагига нисбатан 18 процент ошди. Ўз кучлари билан бажариладиган пудрат ишлари планини: Биноқорлик министрлиги 101 процент, Қишлоқ қурилиши министрлиги 101 процент, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги 100,5 процент, Қишлоқ хўжалиги министрлиги 107 процент, Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги 101 процент, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 103 процент, Сув хўжалиги қурилиши бош бошқармаси 104 процент қилиб адо этдилар.

Шу билан бирга, айрим қурилиш ташкилотлари моддий ва меҳнат ресурсларининг ҳар жойга бўлиниб кетишига йўл қўйганликлари натижасида асосий фондларни ишга тушириш капитал маблағлар сарфлаш ҳажми ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан белгиланган йиллик планлар бажарилмай қолди.

ХАЛҚ ТУРМУШИ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ЎСИШИ

1966 йилда меҳнаткашлар турмуш даражасини янада юксалтириш, уларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилди.

Ўзбекистон ҳалқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг йиллик ўртача сони 1966 йилда 1965 йилдагига нисбатан 5 процент кўпайди ва дастлабки маълумотларга кўра, 2,2 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди.

Республика ҳалқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар сони тез суръатлар билан кўпайиб, дастлабки маълумотларга кўра, 1966 йилнинг охирида 391 минг кишини ташкил этди.

Республика ҳалқ хўжалигида бир юмушчининг ўртача иш ҳақи дастлабки маълумотларга қараганда, 1965 йилдагига нисбатан 5 процент ошди.

Аҳолининг социал страхование, турли нафақалар, пенсиялар, ўқувчиларнинг стипендиялари, бепул медицина ёрдами, санаторий ва дам олиш уйларига бепул ва имтиёзли берилган йўлланмалар, болалар муассасаларида болаларни боқиш, бепул таълим ва малакани ошириш учун бўлган тўловлар давлат ижтимоий истеъмол фондларидан олган тўловлар ва имтиёзлари ҳамда бошқа тўловлар дастлабки маълумотларга кўра, 1966 йилда 1,4 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилдагига нисбатан 13 процентдан зиёд кўпайди.

Меҳнаткашларнинг даромадлари ошганлиги муносабати билан аҳолининг омонат кассаларига қўйган жамғармалари янада кўпая борди. Аҳолининг омонат кассаларига қўйган жамғармалари тахминан 25 процент кўпайиб, 1967 йил 1 январда 413 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳолининг пул даромадлари ўсганлиги унинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига бўлган талабининг янада ортиб боришига ёрдам берди. Умумий овқатланиш корхоналарининг оборотини ҳам қўшганда, давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг умумий ҳажми 1966 йилда 3569 миллион сўмни ташкил этди. Товар сотиш 1965 йилдагига нисбатан 12 процент кўпайди, шу жумладан матлубот кооперацияси системасида мол сотиш 13 процент ортди. Бундан ташқари, матлубот кооперацияси шоҳобчаси орқали маҳаллий бозорлардаги нархларда 57 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Чакана товар оборотининг йиллик плани 101 процент бажарилди.

1966 йилда аҳолига гўшт маҳсулотлари, тухум ва тухум маҳсулотлари, газлама, кийим-кечак, пойафзал, маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмлари ва бошқа моллар сотиш кўпайди. Шу билан бирга, аҳолининг баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига бўлган талаби ҳали тўлиқ қондирилмаётир.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенг кўламда олиб борилди. Шаҳарларда ва қишлоқ жойларида давлат капитал маблағлари ҳисобига, уй-жой қурилиши кооперативларининг маблағлари ҳисобига, шунингдек шаҳар аҳолисининг ўз ҳисобига ва давлат кредити ёрдами билан жами саҳни 2655 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари қишлоқ жойларида колхозлар, колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари 28 мингдан кўпроқ уй-жой қурдилар.

Тошкент шаҳрида янги уй-жойлар қуриш ҳамда зилзиладан зарар кўрган уй-жой фонди, мактаблар, даволаш муассасалари ва болалар муассасалари, саноат ва савдо корхоналари, маиший хизмат корхоналари, жамоат ва маъмурий биноларни тиклаш ишлари айниқса кенг қулоч ёзди.

КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ Ҳукумати бу соҳада катта ёрдам кўрсатди. Зилзила оқибатларини тугатмоқ учун барча қардош иттифоқдош республикалар биноқор отрядларини, материаллар ва механизмларини бу ерга юбордилар. Биноқор жангчилар, шунингдек Ўзбекистон областлари ва шаҳарларининг биноқорлари Тошкентга ёрдам кўрсатдилар. Бунинг натижасида Тошкент шаҳрининг аҳолиси 1966 йилда жами саҳни 810 минг квадрат метр келадиган янги уй-жойлар, ёки 1965 йилдагига нисбатан 57 процент кўп уй-жой олди, шу жумладан Сергели йўлдош шаҳрига эга бўлди. Зилзиладан зарар кўрган кишиларнинг ҳаммаси уй-жой билан таъминланди.

Республикада кўп миқдорда умумий таълим мактаблари, касалхоналар, поликлиникалар болалар боғчалари ва яслилари ҳамда бошқа маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари қуриб ишга туширилди.

Айни маҳалда уй-жойлар, касалхоналар, поликлиникалар ва болалар боғчаларини фойдаланишга топшириш плани бажарилмай қолди.

1966 йилда уй-жойларни ва коммунал маиший корхоналарни газлаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилди. Газлаштирилган квартиралар сони бир йилда 96 мингтага ёки 23 процент кўпайди.

Маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғи кенгайтирилди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 1965 йилдагига нисбатан 31 процент, шу жумладан шаҳарларда 26 процент ва қишлоқ жойларида 45 процент ошди.

1966 йилда республика ҳалқ маорифини, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришилди. Таълимнинг ҳамма турларига 3 миллиондан кўпроқ киши жалб этилди. Бу йил умумий таълим мактабларида қарийб 2,6 миллион киши ўқимоқда, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, кечки ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ҳамда катта ёшдаги кишилар мактабларида 133 мингга яқин киши таълим олмоқда. Умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар сони 1965 йилдагига нисбатан 114 минг кишига кўпайди.

1966 йилда йигит ва қизлардан салкам 169 минг киши ёки 1965 йилдагига нисбатан қарийб уч баравар кўп ўқувчи ўрта мактабларнинг 10 ва 11-синфларини тамомлаб, етуклик аттестатини олди. 1966 йилда ўрта мактабларни тамомлаб чиққан ёшлардан қарийб 73 минг киши халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга кирди. 1966 йилда 190,6 минг киши саккиз йиллик маълумот олди, бу эса, 1965 йилдагига нисбатан 18 минг киши кўпдир.

1966 йилда республикада учта олий ўқув юрти—иккита педагогика, битта архитектура-қурилиш институти ва 22 техникум янгидан ташкил қилинди ва ишга туширилди. Олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқувчилар қабул қилиш ва улардаги ўқувчилар сони кўпайди. 1966—1967 ўқув йилида олий ўқув юртларида 188 мингдан кўпроқ, ёки ўтган йилдагига нисбатан 23 минг кўп киши таълим олмоқда. Техникумларда ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида 122 минг ўқувчи, ёки 1965—1966 ўқув йилидагига нисбатан 18 минг кўп киши таълим олмоқда. 1966 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига янгидан 1965 йилдагига нисбатан 14 минг киши кўп қабул қилинди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари 1966 йилда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун 39 минг мутахассис тайёрлаб чиқардилар, бу мутахассислардан қарийб 18 минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиди.

Профессионал-техника таълими билим юртлари ва мактаблари 20 мингдан кўпроқ ёш малакали ишчилар тайёрлаб беришди. Бундан ташқари, кўплаб ходимлар бевосита ишлаб чиқаришда ташкил қилинган курсларда тайёргарликдан ўтди ва малакасин ошириди.

Илмий ходимларнинг сони кўпайди. 1966 йилда илмий муассасаларда, олий ўқув юртларида, саноат корхоналарида, лойиҳалаш ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда 18 мингга яқин илмий ходим ишлади.

1966 йилда клублар, оммавий кутубхоналар, киноустановкаларнинг шоҳобчаси кенгайди; оммавий кутубхоналарнинг китоб фондлари ортди, кинотеатрлар, томошабинларнинг сони кўпайди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланиб борди. Даволаш — профилактика муассасаларининг шоҳобчаси кенгайди, врачлар ва ўрта медицина маълумоти бўлган ходимлар сони кўпайди. Бир йил ичида республикада қарийб 5 минг ўринли касалхоналар фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили Ўзбекистон ССР аҳолиси 300 мингдан зиёд кўпайди ва дастлабки маълумотларга кўра, 1967 йил 1 январда 10 миллион 922 минг кишини ташкил этди.

* * *

Беш йилликнинг биринчи йили бўлган 1966 йил якунлари Ўзбекистон ССР ҳалқ хўжалиги янада ривож топганлигидан ҳамда ҳалқ турмушининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ўсганлигидан далолат бериб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

РЕВОЛЮЦИОН НАЗАРИЯ ВА

Совет социалистик давлати ўз шонли тарихининг эллигинчи йилига кирди. «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган қарорида байрамга тайёргарлик борасида партия ва совет ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол олдига катта вазифалар қўйилди. Ҳозирги вақтда партия комитетларининг пленумлари, партия активларининг йиғилишлари ўтказилмоқда. Улар Октябрнинг ярим асрлик юбилейини янги меҳнат муваффақиятлари билан, совет халқини Коммунистик партия теварагида тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштириш билан нишонламоқ учун конкрет тадбирларни ишлаб чиқмоқда.

Партия пропагандаси жиддий имтиҳондан ўтмоқда. У, марксизм-ленинизмнинг тантанаси тўғрисида, Совет мамлакати ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг буюк шижоати ҳақида, Ватанимизни илмий социализм асосида социал жиҳатдан янгилашни бошлаб берган тарихий марра бўлмиш Октябрнинг аҳамияти ҳақида, унинг бутун дунё меҳнаткашлари тақдиридаги революцион-озодлик роли тўғрисида, Россиядаги пролетар революциясининг ва мамлакатимиздаги социалистик қурилишнинг жаҳон тараққиётининг боришига таъсири тўғрисида яққол ва илҳомбахш қилиб гапириб бериши лозим.

I.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг сиёсий йўлини ишлаб чиқаётганида ҳамиша марксизм-ленинизмнинг тарихий жараён қонунларини тўғрисидаги таълимотига амал қилади. Партиямиз бу таълимотни конкрет тарихий шароитни анализ қилмоқ, синфий кучларнинг жойланишини ва нисбатини ҳисобга олмоқ, революцион курашнинг программ вазифаларини ва сиёсий шиорларини, формалари ва методларини белгилаб олмоқ учун ижодий қўлланади. Партия тажрибани назарий умумлаштириш асосида революцион фанни бойитиб келмоқда, меҳнаткашлар оммасининг назарий фаолияти билан революцион-амалий ижодкорлигини ўзаро равишда бир-бирига қўшишни таъминламоқда.

В. И. Ленин илмий назарияга революцион практикани ва социал прогнозлар беришни асослашнинг, кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган реалистик ва узоқни кўрадиган сиёсатни ишлаб чиқишнинг бирдан-бир тўғри воситаси деб партиявий муносабатда бўлиш намунасини марксчи-ленинчиларнинг кейинги бўғинларига кўрсатиб берди.

Социализм туб принципларининг ленинча анализи социалистик жамият, коммунизм қуриш шароитида алоҳида аҳамиятга эга. Социализм — тайёр, қотиб қолган система эмас, балки тўхтовсиз ривожланиб борувчи жамият деган фикрни В. И. Ленин қайта-қайта такрорлаб айтган эди. Амалий ҳаракат методлари усулларини ижодий изламай туриб, янги жамият қуриш мумкин эмас. Мураккаб тарихий йўлда вақтинча муваффақиятсизликлар, айрим хатолар ва нуқсонлар бўлиши турган гап. Лекин социалистик революция ўз хатоларидан ва қийинчиликлардан, вақтинча муваффақиятсизликлар ва чекинишлардан қўрқмайди, чунки у миллионмиллион омманинг жуда кенг кўламдаги чуқур социал ижодкорлигидир. К. Маркс ва В. И. Ленин социалистик революциянинг енгилмас ички кучи мана шу тарихий ўз-ўзини текшириб туришида эканлигини кўрсатиб бердилар. Революцион фаннинг майда буржуа «революциябозлиги»нинг ҳамма формаларидан энг муҳим принципиал фарқларидан бири ҳам мана шундадир.

Мамлакатимиз социалистик ривожланишининг ярим асрлик тажрибаси жамиятни революцион қайта қуриш нақадар мураккаб ва ижодий иш эканлигини, янги экономикани, социалистик ижтимоий муносабатларни вужудга келтириш, одамларнинг маънавий дунёсини ўзгартириш нақадар янги проблемалар билан, конкрет тарихий вазиятлар билан боғланганлигини кўрсатди. Бизнинг партиямиз Маркс — Энгельс — Ленининг назарий меросини доимо ривожлантириб ва бойитиб марксизм-ленинизм принципларига қатъият ва изчиллик билан амал қилиб келганлиги ва амал қилаётганлиги учун ҳам мана шу буюк вазифаларни амалга оширишга қодир бўлиб қолди. КПСС қийинчиликларни ва тўсиқларни енгиб, оёқ босилмаган йўллардан бориб социалистик қурилишнинг мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, социалистик давлатни ривожлантириш, миллий муносабатларни, маданий революцияни ривожлантиришнинг энг мураккаб назарий ва амалий проблемаларини муваффақиятли равишда ҳал қилиб берди.

Социализмнинг ўтган эллик йил мобайнидаги жаҳоншумул тарихий ғалабалари партиямиз олиб борган жуда катта ташкилотчилик фаолиятининг амалий натижасигина бўлиб қолмасдан жуда катта назарий ва сиёсий ишнинг ҳам амалий натижасидир. У Ленин байроғини, марксизм-ленинизмга садоқатни қаттиқ синовлар, шиддатли ғоявий ва сиёсий кураш йиллари орқали баланд кўтариб олиб ўтди.

Социализм тараққиётини, унинг потенциал имкониятлари тобора тўлиқ ишга солинишини янги ижтимоий тузумнинг туб афзалликлари, энг чуқур социал-иқтисодий жараёнлар белгилаб берсада. Марксизм-ленинизм билан қуролланган КПСС бу жараёнларга, реал воқеликка ўзбошимчалик билан қилинадиган субъектив — волюнтаристик ҳаракатлар ва ишлар нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларини илмий анализ қилиш позициясидан туриб қарамоқда.

КПСС Программасида ҳозирги даврнинг характери ва асосий ҳаракатлантирувчи кучлари назарий анализ қилиб берилди, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш, ижтимоий муносабатларни, социалистик демократияни ва давлатни ривожлантириш йўллари, жамиятимиз социализмдан аста-секин коммунизмга ўтаётган шароитда коммунистик тарбиянинг вазифалари белгилаб берилди.

КПССнинг XXIII съезди ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги амалий ишни ҳар томонлама илмий асослашнинг муҳимлигини янги куч билан ўқтириб ўтди. КПСС илмий коммунизм назарияси ва практикасининг янги проблемаларини ҳал қилаётганида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва ижтимоий муносабатларнинг эришган даражасига асосланиб, социалистик жамият ривожланишининг ҳамиша олга боришига, совет халқининг социализмнинг бутун ярим асрлик тарихи давомидаги революцион ғалабаларидаги давомийликкa асосланиб иш кўрмоқда.

2.

Кейинги йиллардаги ривожланишимизнинг муҳим амалий тажрибасини умумлаштириб берган ва янги мақсадларни мўжаллаб қўйган партия XXIII съездининг қарорлари кадрларимизнинг назарий фаолиятидаги, бутун идеология ишидаги бош йўналишларни белгилаб олмоқ учун негиздир.

Турмуш ва фан, социал ўзгаришлар ва илмий-техникавий тараққиёт ниҳоят даражада тезлашиб бораётганлиги янги иқтисодий, социал-сиёсий, ахлоқий ва методологик проблемаларни келтириб чиқармоқда. Мана шу ва бошқа жараёнлар социал ўзгаришларни илмий жиҳатдан олдиндан кўриб туришга амалий эҳтиёж туғдирмоқда. Экономикадаги муваффақиятларимиз, социалистик онгни ривожлантириш ва одамларни тарбиялаш, ижтимоий ўзгаришларнинг бориши ва суръатлари мана шуларнинг чуқур ўрганилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Дунёқараш позицияларининг назарий яхлитлиги ва аниқлиги, анализ методларининг объективлиги ва мақсадларнинг равшанлиги партиянинг ўз назарий фаолиятида ривожлантираётган марксизм-ленинизм фанининг характерли белгиларидир. Ижтимоий практика билан, коммунистик қурилишнинг энг зарур вазифалари билан боғланиш, марксизм-ленинизмнинг революцион-танқидий руҳини ривожлантириш ва қарор топтириш партия пропагандаси назарий фикрининг ва амалий самарадорлигининг илмий қийматини белгилаб берувчи энг муҳим шартлардир.

СССРда коммунистик қурилиш авж олдирилаётган йилларда партиянинг назариётчи кадрлари коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш, ижтимоий муносабатларни ва социалистик давлатни, коммунистик онгни ривожлантириш масалаларига доир анча амалий тажриба тўпладилар. Совет жамиятининг ошиб бораётган интеллектуал потенциали, илмий фаолият учун бўлган жуда катта имкониятлар назарий тадқиқотлар соҳасида ҳам, шунингдек бу тадқиқотларни турмушга амалий татбиқ қилиш соҳасида ҳам янги қадамлар қўйишга имкон бермоқда.

В. И. Ленин бизда фан қуруқ харф бўлиб қолмаслиги ёки силлиқ модага айланиб кетмаслиги учун, фан ҳақиқатдан ҳам жон-танимизга сингиб тўла равишда ва чинакамига турмушнинг таркибий элементига айланмоғи учун ҳамиша текшириб туриш керак, деб таълим берган эди.

Фан социалистик жамиятнинг кундалик воқелигига экономикани ва маданиятни планлаштириш системаси орқали жорий қилинмоқда, меҳнатни ва бошқариш методларини илмий ташкил этиш элементларини тўплаш йўли билан ишлаб чиқаришни ва маиший соҳани ўзгартирмоқда. Фан ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш, социалистик онгни шакллантириш ва ривожлантириш воситаси бўлиб қолмоқда.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун характерли нарса шуки, ижтимоий фанларнинг роли ҳар томонлама ошиб бормоқда. Ленининг битмас-туганмас назарий меросини чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқиш, коммунистик қурилишнинг янги, ҳаётий муҳим проблемаларини тадқиқ қилиш фалсафа, иқтисод, тарих ва ҳуқуқ фанлари соҳасидаги тадқиқотларни сезиларли равишда кенгайтиришга, катта назарий, идеологик ва маданий аҳамиятга эга бўлган илмий асарлар яратишга, асосий ижтимоий фанларга оид янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чиқаришга имкон берди. Фақат илмий ишнигина эмас, шунинг билан бирга пропаганда ишини ҳам қийинлаштираётган қироатхонлик, осонгина шарҳлаб қўяқолиш, схоластика ва догматизм руҳи тобора кўпроқ ситиб чиқарилмоқда.

Шак-шубҳасиз мана шу ютуқларни қайд қилиш билан бирга диққат-эътиборни аввало ҳал этилмаган вазифаларга қаратиш мутлақо зарур. Субъективизм, конъюнктурачилик ҳоллари, воқеликка доктринерларча муносабатда бўлиш турмуш жараёнларини чуқур ўрганишга салбий таъсир ўтказмаганида эди, кўлга киритилган натижалар тағин ҳам каттароқ бўлиши мумкин эди. Бундай ҳол илмий муассасаларнинг ишида тадқиқотчилик вазифаларини камситишга, тадқиқотчилик фаолияти билан маълум ҳақиқатларни юзаки шарҳлаш ўртасидаги чегараларни муайян равишда ўчириб юборишга олиб келмай қола олмади. Бунинг натижасида бизда ҳали ҳам шундай асарлар пайдо бўлмоқдаки, шу асарларда назарий анализ қилиш ниқоби остида узлуксиз ривожланаётган социалистик жамиятнинг реал қонуниятлари билан унчалик алоқаси бўлмаган қуруқ схемаларни қайд қилишдан иборат хулосалар чиқарилмоқда.

Партия пропагандаси одамлар коммунистик онгининг шаклланиши проблемалари илмий тадқиқ қилинишига доимий эътиёж сезмоқда. Пропагандамизнинг ишонтириш кучи, социал-актив характери, аввало, унинг ғоявий мазмунидадир, у одамларга етказаётган буюк ҳақиқатларнинг ўзидадир, воқеликни ҳаққоний ва аниқ анализ қилиб бераётганидадир, коммунистик идеалларни барқарор қилиш учун курашда одамнинг ролини ва ўрнини очиб бераётганлигидадир. Илмий билимлар, партиянинг сиёсати бутун пропаганда ишининг манбаидир.

Пропаганда ишини ҳаммага маълум ҳақиқатларни айтиб бериш асосига қуриш мумкин, деган тасаввур мутлақо нотўғридир. Партия пропагандасини фандан ажратиб бўлмайди. Замонавий социалистик онг фақат замонавий илмий билим асосида ўсиб вояга етиши мумкин деб В. И. Ленин зўр куч билан қайта-қайта уқтириб ўтган эди.

Марксизм-ленинизм фани ижтимоий ривожланиш қонунларининг таъсир ўтказишини очиб бериб, етилган вазифаларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб бериб, одамларнинг дунё қарашини, одамлар турмушининг бутун маънавий укладини, уларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантириб боради. Социал жараёнларнинг моҳияти нақадар чуқур очиб берилса, назарий тадқиқот нақадар малакали бўлса, пропаганда шу қадар самаралли бўлади, коммунизм қурувчиларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги шу қадар юқори бўлади. Ҳар қандай ихтисосга эга бўлган кадрларнинг марксизм-ленинизм назариясини эгаллашлари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

3.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан партия пропагандасининг, барча идеология муассасаларининг энг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Идеология иши турмушнинг социалистик нормаларини мустаҳкамлашга, совет жамиятининг революцион традицияларини бойитишга, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, буржуа идеологиясига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида ҳар томонлама коммунистик тарбиялашга қаратилиши лозим. Биз яшаб турган жамият тўғрисида илмий, реалистик тасаввурни ривожлантира бериш ва шу асосда одамларда турмушни янада ўзгартиришга ва яхшилашга, ижодий яратувчиликка интилиш туғдириш идеология ишининг биринчи галдаги вазифасидир.

Коммунистик қурилиш, меҳнаткашларни тарбиялаш манфаатлари социал-иқтисодий, сиёсий ва идеология характеридаги кўпгина проблемаларни чуқур тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Социализмни ривожланиб борувчи система тариқасида атрофлича ўрганиш, социалистик жамиятнинг яшашини таъминлаб турган механизмни очиб бериш, ижтимоий муносабатларни ва коммунистик онгнинг шаклланишини илмий анализ қилиб бериш жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Мана шу проблемаларни ғўғри ҳал қилишгина социализм тараққиётининг ярим асрлик ривожланиш тажрибасига асосланган ҳолда унинг яхлит социал организм эканлиги ҳақида, ижтимоий турмуш турли соҳаларининг ривожланиш хусусиятлари, пайдо бўлаётган зиддиятларнинг характери ва шу зиддиятларни ҳал этишнинг энг самарали усуллари тўғрисида, социализмдан коммунизмга ўтишнинг конкрет боскичлари тўғрисида тўлиқ илмий тасаввур бериши мумкин.

Коммунистик қурилиш боскичлар

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида уқтириб ўтилишича, янги дунё, янги ахлоқ кишисини тарбиялаш — Коммунистик партия ўтган ўнйилликлар мобайнида қилган ишларнинг энг ажойиб натижаларидан биридир. Совет ҳокимияти ўрнатилганидан буён ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда сиёсий онглилиги юксак даражада ривож топган, меҳнатга янгича муносабатда бўлаётган, коллективизм ва ўртоқлик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган кишилар авлоди ўсиб етишди. Революционер инсон ва улуғ ишимиз учун курашчининг янги характери камол топди.

Худди ана шуларнинг ҳаммаси миқёси ва мураккаблиги жиҳатидан ғоят катта вазифани — жамиятимизнинг барча аъзоларида илмий дунёқараш ва коммунистик ахлоқни шакллантириш вазифасини қўйиш имконини берди. Меҳнаткашларнинг онглилиги қанчалик юқори бўлса, коммунистик қурилиш вазифалари шунчалик муваффақиятлироқ ҳал этилаверади.

КПСС XXIII съезди белгилаб берган кўрсатмалар партия ташкилотлари яқин йиллар ичида олиб борадиган идеология ишининг асоси бўлмоғи керак. Партия ташкилотлари, идеология муассасалари оммани тарбиялашда орттирган тажрибаларини, ўз вазифа ва имкониятларини, республика меҳнаткашлари онгига ва уларнинг амалий фаолиятига таъсир ўтказишнинг форма ҳамда методларини съезд қарорлари асосида қараб чиқишлари, баҳолашлари, бутун партиявий-сиёсий ишнинг юксак даражада таъсирчан бўлишига эришмоқлари керак.

Ўзбекистон идеология ходимларининг яқинда ўз ишини тамомлаган семинар-кенгаши шуни кўрсатдики, кейинги вақтда республика партия ташкилотларининг ғоявий ҳаёти анча активлашди ва янги босқичга кўтарилди. Коммунистик идеологияни пропаганда қилиш анча жонланди ва хилма-хил тус олди, унинг таъсирчанлиги, уюштирувчилик ва сафарбарлик роли ошди, ғоявий-сиёсий ишнинг миқёси кенгайди ва хилма-хил бўлиб қолди, кишиларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашнинг коммунистик қурилиш жараёнида вужудга келаётган жуда катта проблемаларига қизиқиш пайдо бўлди.

Кенгашда шу нарса қайд қилиндики, идеология иши — кишилар билан ишлаш демак, бу иш улар ўртасидаги коммунистик ижтимоий муносабатларни — дўстлик ва ўртоқлик муносабатларини ривожлантиришга, уларнинг сиёсий ҳамда маънавий фазилатларини шакллантиришга актив ёрдам беради. Биз ҳаётнинг қайси бир соҳасини — экономикани, ишлаб чиқаришни, маиший турмушни, маданиятни, жамоат ҳаётини олмайлик — ҳамма жойда бизнинг идеология соҳасида сарф қилаётган куч-ғайратимизнинг самаралари кишиларнинг онглилик, активлик, уюшқоқлик даражасида, муштарак ишимиз учун масъулият ҳис қилишида намоён бўлади.

Идеология ходимларининг куч-ғайрати аввало моддий ишлаб чиқариш доирасига, етти йиллик план топшириқларининг бажарилишини, хўжалик ислоҳоти амалга оширилишини ғоявий таъминлашга қаратилмоғи керак. Партия ташкилотлари КПСС XXIII съезди нинг беш йиллик план Директиваларини тинмай тушунтиришга даъват этилганлар. Бу ишни муттасил олиб бориш керак, бутун халқ хўжалигининг, унинг алоҳида тармоқларининг, шунингдек областлар, шаҳарлар, районлар, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг истиқболи пропаганда қилинсин, беш йиллик планнинг ҳамма соҳалар бўйича қандай бажарилаётганлиги тўғрисида меҳнаткашларга кенг ахборот бериб турилсин.

Бу йил Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда олга томон жуда катта янги қадам ташлайди, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшади. Саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 7,2 процент кўпайтирилади, энергетика, химия ва газ саноати, машинасозлик, бинокорлик материаллари саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Тошкент шаҳрида рўй берган зилзила оқибатларини тугатиш борасида кенг кўламдаги ишлар бажарилмоғи керак. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари давлатга 3 миллион 800 минг тонна пахта етказиб бермоқлари лозим. Сув хўжалиги қурилиш соҳасида катта-катта топшириқлар белгилаб берилган.

Республиканинг тобора кўпроқ корхоналари янги иқтисодий шароитда ишлай бошлайди. Улар бизнинг олдимизга бирқанча назарий ва тарбиявий проблемаларни қўймоқда. Чунончи, кадрлар ва оддий ишчиларнинг иқтисодий ўқишини олиб бориш вазифаси айниқса кескин қилиб қўйилмоқда.

Тошкент шаҳри, Тошкент области ва бошқа баъзи областлардаги бир қанча шаҳарларнинг партия ташкилотларидан ибрат олиб, иқтисодий ўқишнинг кенг шохобчасини барпо этиш, унга партия, совет, хўжалик ходимларини жалб этиш зарур. Иқтисодий конференцияларни кўпроқ ўтказиш, экономика проблемалари юзасидан лекторийлар барпо этиш даркор бўлади. Матбуот, радио ва телевидение органлари иқтисодий билимларни маҳорат билан пропаганда қилишлари лозим. Қисқа қилиб айтганда, биз ғоявий-сиёсий таъсир ўтказишнинг барча воситаларини янгича шароитда ишлашга ташкилий-иқтисодий ва идеологик жиҳатдан тайёрлашга, улар дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва ана шу қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини очиб беришга қаратмоғимиз, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда коллективларнинг ролини оширмоғимиз керак. Меҳнаткашлар ҳозирги шароитда меҳнатнинг моддий ҳамда маънавий стимуллари ролини тўғри тушунмоқлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Тула области ҳақида чиқарган қарорида уқтириб ўтилишича, ишчи ва хизматчиларни давлат ва меҳнат интизомига жуда қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялашни бутун чоралар билан яхшилаш — омма орасида олиб бориладиган хўжалик ва тарбиявий ишлар қаторидаги муҳим вазифадир.

Республикамизнинг кўпгина корхоналари ва қурилишларида меҳнат интизомига риоя қилиш масалаги ҳали дурустқўйилмаган, кўплаб прогул қилиш, ичкиликбозлик, сменалар орасида бекор туриш ҳоллари рўй бераётир. Бу ҳол бизни ғашвиштирмай қололмайди. Ўтган йилнинг икки квартали мобайнида саноат корхоналарида 13 минг ишчи прогул қилган. Биргина енгил саноат министрлиги системасида ярим йил мобайнида бекор ўтказилган иш вақти 164 минг киши-соатини ташкил этганлиги ҳисобланиб чиқилди.

Меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш — бутун партия ташкилотларининг, бутун пропаганда ва агитация ишидаги асосий йўналишлардан биридир. Экономиканинг янада юксалтирилиши ва ижтимоий муносабатларнинг ривожлантирилиши ҳамда кишиларни онглилик руҳида тарбиялаш шу вазифанинг ҳал қилинишига бевосита боғлиқдир.

Кишиларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларнинг онги ва ҳулқидаги ўтмиш сарқитларига, буржуазия идеологиясининг чиркин таъсирига қарши кураш партия ташкилотларининг коммунизм актив қурувчиларини тарбиялаш ишидир.

Биз партия пропагандасининг барча воситаларидан фойдаланиб, кишиларда Совет ҳокимияти босиб ўтган йўл билан фахрланиш туйғусини тарбияламоғимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган революцион ўзгартишларда Октябрнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини, жаҳонда рўй бераётган воқеаларга унинг кўрсатаётган таъсирини чуқур очиб бермоғимиз, социализмнинг капитализмдан бениҳоя устунлигини ишонарли мисолларда кўрсатиб бермоғимиз, Коммунистик партия шонли революцион фаолиятини, Совет давлат ва ижтимоий тузумининг қўлга киритган муваффақиятларини, СССР халқлари дўстлигини ифодалаб бермоғимиз керак.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамизда ҳам сиёсий маорифнинг янги, мунтазам системасига кейинги йиллар ичида амалга оширилиб келяпти. Сиёсий маорифнинг бу янги, мунтазам системаси марксизм-ленинизмнинг бутун таркибий қисмини ўзига олиб, ва янада чуқур ўрганиш имконини бермоқда. Шу ўқув йилида партия ташкилотлари сиёсий ўқиш системасини тингловчилар билан тўлдириш, пропагандист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида катта ишлар қилди. 22 минг пропагандист курсларда ўқитилди. Урганчда партия пропагандасининг методикаси масалаларига бағишлаб республика конференцияси ўтказилди. Партия ўқувига 400 минг киши жалб этилди.

Шу билан бирга, Фарғона, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон автоном ССРнинг бирқанча партия ташкилотларидаги сиёсий тўгарак ва семинарларнинг ишини текшириш кўпгина машғулотлар ҳали ғоявий-назарий жиҳатдан паст даражада ўтказилаётганлигини, тингловчилар, хусусан бошланғич сиёсий мактабларнинг тингловчилари программада кўзда тутилган материалларни қониқарсиз ўзлаштираётганликларини, пропагандистлар машғулотларга суст тайёрланиб келаётганликларини кўрсатди.

Пропагандистлар билан ишлашни, уларни назарий ва методик жиҳатдан тайёрлашни диққат марказимизда тутишимиз керак. Республика пропагандистлари орасидаги кишиларнинг тўртдан бир қисми бу ишга биринчи марта келган, ҳар уч кишидан бирининг эса икки йилдан беш йилгача стажи, ўн етти процентининг эса беш йилдан ўн йилгача стажи бор ҳамда йигирма процентга яқини пропагандистлик ишини ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери олиб боради. Пропагандистлар билан ишни табақалаштирган ҳолда, уларнинг пропагандистик фаолиятидаги йўналишга, билим даражаси ва тажрибасига қараб олиб бормоқ керак. Областларда пропагандистлар учун Шуҳрат китоби таъсис этилганлиги, дам олиш кечалари ўтказилаётганлиги диққатга ва маъқуллашга сазовор. Партия ўқуви раҳбарларини педагогика ва психология асослари билан қуроллантириш, пропагандистик маҳорат мактаблари ташкил этиш тўғрисида киритилаётган таклифлар қўллаб-қувватланмоғи зарур.

Партия пропагандасининг оммавий формалари: халқ университетлари, доимий ишловчи лекторийлар, коммунистик меҳнат мактаблари, лекция цикларини ўқиш ва бошқа шу каби тадбирлар — партия ташкилотлари доимий ғамхўрлик қилиши керак бўлган масалалардир. Халқ университетлари, лекторийларнинг пухта ўйланган ташкилий иш формаларини ишлаб чиқиш, уларни ўқув планлари, программалари, қўлланмалари, техника воситалари билан таъминлаш вақти келган, республика халқ университетларининг Улуғ Октябрь 50 йиллигига бағишланган кўригини уюшқоқлик билан ўтказиш — бизнинг бурчимиздир.

Партия ташкилотлари ана шу муҳим иш участасига кун сайин раҳбарлик қила бориб, айни вақтда касаба союзлари, «Билим» жамияти бўлимлари, маданият органлари, комсомолнинг масъулиятини оширмоқлари керак.

КПСС XXIII съезди бутун сиёсий агитация аҳолига кенг миқёсда ва мунтазам ахборот бериб туришга асосланиши керак, деб талаб қилди. Лектор билан докладчинин, корхона ёки муассаса раҳбарининг оташин сўзи, партия, совет ходимининг, олимнинг, мутахассис, фан арбобининг лекция ўқиши, ўз ўртоқлари доирасида дилкашлик вазиятида суҳбат ўтказиши ҳамиша партия меҳнаткашлар билан боғлаб келаётган алоқанинг энг кучли воситаси, сиёсий маориф учун курашнинг муҳим қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда Тошкентда Ленинга бағишлаб жума кунлари ўтказилган суҳбатлар, Сурхондарёда раҳбар ходимларнинг иштироки билан савол-жавоб кечалари, Тошкент областида партия ташкилотчилари институти ташкил этилганлиги энг маъқул тадбир эканлигини кўрсатди. Бу тадбирлар оммага сиёсий ахборот бериш ва уюштириш билан бирга қўшиб олиб борилянти.

Бизда ҳар бир партия комитети активлари сиёсий агитация олиб боришга қодир бўлган малакали кишилардан, ахборот бериб турувчи пропагандистлар ва шарҳловчи пропагандистлардан иборат бўлмоғи керак.

Семинар-кенгаш қатнашчилари шуни қайд қилдиларки, республика меҳнаткашларининг ўсиб боравётган маънавий эҳтиёжлари лекция пропагандасини анча такомиллаштиришни талаб қилади. Фарғона, Гулистон, Қаршидаги бир қанча корхоналарда, Поп, Охунбобоев, Қамаши районларидаги колхоз ва совхозларда лекция ишини таҳлил қилиш бу ерда кўпгина лекциялар коллективлар олдида турган конкрет вазифалар билан боғланмаган ҳолда, паст даражада ўтказилаётганлигини кўрсатмоқда Лекция пропагандасининг аҳволи учун масъул бўлган баъзи ходимлар ишнинг сон жиҳати билангина қизиқмоқдалар, малакали лекция билан суҳбат ўртасидаги тафовутни пайқамай қолдилар, лекцияларнинг хусусиятини яхши ҳисобга олмаётирлар. лекторнинг ўқиган ҳар бир лекцияси мазмунан чуқур, ишонарли, тушунарли, қизиқарли бўлиши учун курашмаётирлар. Аҳолининг анчагина қисми, айниқса Сирдарё, Хоразм ва Бухоро областларидаги узоқ яйловларнинг аҳолиси неча ойлаб лекторга муштоқ бўлади.

«Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти КПСС XXIII съезди материалларини қандай пропаганда қилаётганлиги тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда қабул қилган қарорда шу нарса қайд қилиндики, кўп жойларда тарихий-партиявий фан, марксча-ленинча фалсафа, илмий коммунизм проблемаларини пропаганда қилиш қони. қарсиз олиб борилянти.

Лекция пропагандаси ишини анча яхшилашимиз, лекцияларнинг коммунистик қурилиш вазифаларидан ажралиб қолаётганлигини бартараф этмоғимиз, лекциялар мазмунини беш йиллик планнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғламоғимиз, лекция пропагандасининг тематик йўналишини яхшилашмоғимиз, партия, совет, хўжалик раҳбар ходимларини лекциялар билан мунтазам чиқиб туришга жалб этмоғимиз керак.

Кўргазмали агитацияни тубдан яхшилаш керак. Шаҳарларни, қишлоқларни, кўчаларни, майдонларни, корхоналар, колхозлар ва совхозларни бефаросатлик билан қўпол безатишга чек қўйиш пайти келди. Ҳозирги вақтда, шонли Октябрь байрами арафасида аҳоли яшайдиган пунктларни бадиий жиҳатдан безаш айниқса муҳим иш. Кўргазмали агитацияни пухта план асосида, сиёсат, психология ва бадиий дид талабларини назарда тутиб, яхлит суратда ривожлантириш керак.

Меҳнаткашларда илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни коммунистик ахлоқ ва одоб руҳида тарбиялаш жараёни кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши кураш билан бирга ўтмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда Самарқанд шаҳар партия ташкилотининг меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ишларида бир қанча жиддий камчиликлар борлигини очиб ташлади. Шаҳар партия комитети, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари жойлардаги ҳақиқий аҳволни билмайдилар, диндор аҳоли ҳаётини ўрганмаётирлар. Шаҳарларда меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашнинг аҳоли ёши, касби-кори, миллий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга оладиган мунтазам системаси вужудга келтирилмаган, диндорлар билан якка тартибда иш олиб борилмаяпти. «Красний пролетарий» заводи, кўн заводи, шойи тўқиш фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг партия ташкилотлари ишчиларнинг умумий таълим ва маданий савиясини ошириш тўғрисида қониқарсиз ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шу нарса афсусланарлики, Самарқанд ҳу жиҳатдан ёлғиз эмас. Ҳозирги вақтда кўпгина партия ташкилотлари атеистик ишларни сусайтириб юборганлар. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масала хусусида чиқарган қарорларини қониқарсиз бажармоқдалар.

Атеистик иш танқид қилиш, динний тушунчаларни, динний психологияни рад этиш, билангина чекланмай, балки ҳужумкор, илмий дунёқарашни, коммунистик ахлоқни, янги байрамлар, маросимлар ва гражданлик расм-русмларини қарор топтиришга ёрдам бераётган, ҳаётимизнинг барча соҳаларини, янги меҳнатни илмий ташкил этиш, информация назарияси, таълим ва тарбиянинг (замонавий техникавий воситаларни қўлланган ҳолда) прогрессив методларини ишлаб чиқиш, социал психология, илмий билимнинг қонуниятларини тадқиқ қилиш («фан тўғрисидаги фан») ва шу каби соҳаларни илмий жамоатчилик кенг равишда қўллаб-қувватлаши керак. Миқдорий методларни, моделлаш методларини ва социал экспериментни қўлланиш янги натижалар беради. Аниқ анализ усулларини қўллаган ҳолда, хулосаларнинг объективлигини ва асослиқ бўлишини таъминлайдиган воситалар ва методлар системасини ишлаб чиқиш турибдики, марксча социологиянинг самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Замонавий марксча методология билан қуроллангандек ҳолда социал жараёнларни малакали равишда ўрганиш натижасидагина назарий хулосаларнинг аҳамиятли бўлишини, бу хулосаларнинг практикага ижобий таъсир ўтказишини таъминлаш мумкин.

Назарий иш — маънавий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоғидир, фаолиятнинг ижодий соҳасидир. Шунинг учун ҳам фанни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уни кун сайин пропаганда қилиш ниҳоят даражада масъулиятли ишдир. Партия назарияга, фанга нисбатан ленинча муносабатда бўлишга амал қилиб, чуқур билимларни, сиёсий аниқликни, савиянинг кенглигини, талант ва истеъдодни юксак даражада қадрламоқда.

Партия пропагандаси ўз вазифасига мувофиқ бўлмоғи учун у илмий муассасаларда ва олий ўқув юртларида кенг жабҳа бўйлаб олиб борилаётган хилма хил тадқиқотлардан ажралган ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас. Партия пропагандаси ўз мазмуни жиҳатидан нуқсонсиз бўлиши, энг янги илмий муваффақиятларни тўғри акс эттириши, партиянинг идеаллари ва шиорларини ижтимоий онгга етказиб бера оладиган мукаммал ва замонавий шаклда олиб борилиши лозим.

В. СТЕПАКОВ.

(«ПРАВДА» 30 январь).

ПАРТИЯ ПРОПАГАНДАСИ

Ҳозирги босқичнинг хусусиятларидан бири шуки, бизнинг мамлакатимизда социализм эришган босқич унинг замиридаги имкониятлар ва афзалликларни энг мукаммал равишда ишга солишга имкон бермоқда. Бу эса, ҳозирги замон шароитида социалистик жамият тараққиётининг характери ва хусусиятларини илмий тадқиқ қилмоқ учун кенг майдон очиб бермоқда. Шу проблемаларни анализ қилиш ва бу анализдан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда тавсиялар коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда партия пропагандасининг кўпроқ самарадорликка эришувига ҳеч шубҳасиз ёрдам беради.

Аҳолининг турли табақаларида социалистик онг ривожланишининг энг нозик механизмларини билиб олиш, жамиятга хилоф қарашларни ва одамлар ҳатти-ҳаракатида жамиятга хилоф қилиқларни бартараф қилишнинг конкрет йўлларини аниқлаб бериш партия пропагандасининг практикаси учун айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан фалсафа ва унга ёндош ижтимоий фанларнинг муваффақиятлари асосида инсон проблемаларини комплекс тадқиқ қилиш катта аҳамият касб этмоқда.

Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш вазифаларини, централизм билан маҳаллий ташаббускорликнинг нисбатларини, моддий стимуллар билан маънавий стимулларнинг бирлигини чуқур ва атрофлича тушунтириб берилганидагина, ҳозирги кунда меҳнаткашларнинг онглилигини ва активлигини ривожлантириш мумкин бўлиб қолади.

Маълумки, айрим проблемалар илмий жиҳатдан тузук ишланмаганлиги пропагандага ҳам салбий таъсир қилади. Чунончи, шахсий манфаатдорлик принципини тушунтириш кўпинча шу вақтгача: яхши маҳсулотни кўпроқ тайёрлаб берсанг кўпроқ пул ишлайсан, деган гапни такрорлай беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Лекин ўз-ўзидан шу қадар очиқ кўриниб турган ҳақиқатни мана шу тарзда уқтира беришнинг ҳожати бўлмаса керак. Проблеманинг илмий жиҳатига кўпроқ эътибор бериш: ишлаб чиқаришнинг, меҳнатни илмий ташкил этишнинг реал иқтисодий проблемаларини очиб бериш, биринчи навбатда энг юксак меҳнат унумдорлигини, бинобарин эса, одамларнинг турмуш шароитини ҳам яхшилашни таъминлайдиган жиҳатларни очиб беришга кўпроқ эътибор қилиш тўғрироқ бўлса керак. Мана шу факторларни анализ қилиш, бизнинг жамиятимиздаги меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини ва унинг социал мазмунини очиб бериш моддий манфаатдорлик принципини чуқурроқ тушуниб олишга ёрдам беради. Фақат социализм моддий эҳтиёжларни қондиришни одамнинг қобилиятларини, маънавий бойликларни ривожлантириш билан узвий равишда боғлайди. Оқибат натижада маънавий қашшоқликка айланиб кетадиган буржуача молпарастлик, инсон турмушининг бойлиги ва тўлиқлигини фақат моддий шароитдан иборат қилиб қўйиш ҳам, шунингдек майда буржуа социализмининг турли формалари учун характерли бўлган тарзда одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини назар писанд қилмаслик ҳам бизнинг дунё тўғрисидаги тушунчамизга ва турмуш тартибимизга баббаравар ёт нарсадир.

Партия ҳўжаликка раҳбарлик қилишда иқтисодий методларни кучайтириш йўлини ўтказаётган ҳозирги пайтда социалистик экономикадаги товар-пул муносабатларининг ролини ва ўрнини белгилаб бериш билан алоқадор бир қанча назарий ва амалий масалалар келиб чиқмоқда. Пропаганда иши практикасида баъзан муайян қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Бу қийинчиликлар келиб чиқаётганлигига сабаб шуки, иқтисодий ислоҳотнинг идеологик проблемалари бизнинг адабиётимизда тузук ишлаб чиқилмаётир.

Ижтимоий фанлар билан партия пропагандасини бир-бирига мустаҳкам боғлаб олиб бориш илмий фаолият услубини ва методларини тубдан яхшилашни ва аввало ижодий тадқиқотларни бўғиб турган схематизм кишанларини, анализнинг чуқур бўлишига жуда халақит берадиган, тадқиқот методини ҳам, унинг пировард натижасини ҳам бузадиган субъективизмни қарашларнинг қолдиқларини қатъиян парчалаб емириб ташлашни талаб қилади. Ленининг партиявийлик принципи олимлардан объектив ҳақиқат нуқтаи назарида туришни талаб қилади. Объектив ҳақиқатнинг ўзигина партиянинг манфаатларига, коммунистик қурилиш ишига мос бўлиб тушади.

В. И. Ленин фанга олдиндан белгилаб қўйилган қолипда, норматив равишда ёндошишга қарши чиқиб, шу нарсани уқтириб ўтган эдики, агар олим тадқиқот ишларини олиб бораётганида мавсумий мулоҳазаларга амал киладиган бўлса, у илмий анализнинг объектив принципларидан четга чиқиб қолиши муқаррардир. Ижтимоий ривожланишнинг мураккаб проблемаларини дадиллик билан тадқиқ қилаётган, социализм тараққиётининг ҳозирги босқичи тўғрисида, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характери тўғрисида совет кишиларида илмий, реалистик тасаввурнинг шакланишига ёрдам бераётган олимгина партияга, халққа энг яхши ёрдам қилган бўлади.

Мутлақо объективлик ва принципиаллик ҳақиқатдан қайтмайдиган чинакам коммунист олимга хос хислатдир. Афсуски, ўсишдан тўхтаб қолган ва шу билан бирга ўзлари эгаллаб турган мавқеини сақлаб қолишга интилаётган айрим олимлар ижодий изланишларга ҳанузгача аҳамият бермаётирлар, фанда ёш ўринбосарларни тайёрлаш тўғрисида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётирлар Бундай ҳолат илмий ишнинг натижаларини комайтириб юборади, ёш олимларни тарбиялашга ёмон таъсир қилади.

Совет кишиси фанга ҳисса қўшган, ижтимоий фикримизни олга силжитаётган асарларгина босилиб чиқишга муносиб деб ҳисоблаб, илмий асарларнинг нашр этилишига нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Шу муносабат билан эълон қилинадиган асарларнинг илмий қиммати қандай мезон билан ўлчаниш керак, деган масала туғилади. Афсуски, бу ишда кўтариб чиқилаётган проблемаларнинг янгилиги ва принципиал аҳамиятидан қатъи назар босиладиган асарларнинг «ҳажмига» қараб баҳо бериш катта ўрин олаётганлигини кўрсатувчи фактлар ҳали бор.

Илмий назария—билимларнинг узвий яхлит системасидир, илмий ишлаб чиқаришнинг жуда мураккаб формаси бўлиб, унинг муайян даражада мустақил тадқиқ қилиш объекти ва ички ривожланиш қонунлари бор. Илмий назариянинг турли бўлимлари турмушга турли даражада яқинлашган бўлади. Шу сабабли назариянинг амалиқ ҳаракатлар билан боғланишики марксча-ленинча тушуниш фаннинг энг абстракт проблемалари, айниқса назарий—соф илмий масалаларнинг эътибордан четда қолишига йўл қўймайди.

Илмий тадқиқотнинг пропагандага бевосита алоқадор бўлган ва ривожланиб бораётган соҳаларини, яъни меҳнатни илмий ташкил этиш, информация назарияси, таълим ва тарбиянинг (замонавий техникавий воситаларни қўлланган ҳолда) прогрессив методларини ишлаб чиқиш, социал психология, илмий билимнинг қонуниятларини тадқиқ қилиш («фан тўғрисидаги фан») ва шу каби соҳаларни илмий жамоатчилик кенг равишда қўллаб-қувватлаши керак. Миқдорий методларни, моделлаш методларини ва социал экспериментни қўлланиш янги натижалар беради. Аниқ анализ усулларини қўллаган ҳолда, хулосаларнинг объективлигини ва асослиқ бўлишини таъминлайдиган воситалар ва методлар системасини ишлаб чиқиш турибдики, марксча социологиянинг самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Замонавий марксча методология билан қуроллангандек ҳолда социал жараёнларни малакали равишда ўрганиш натижасидагина назарий хулосаларнинг аҳамиятли бўлишини, бу хулосаларнинг практикага ижобий таъсир ўтказишини таъминлаш мумкин.

Назарий иш — маънавий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоғидир, фаолиятнинг ижодий соҳасидир. Шунинг учун ҳам фанни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уни кун сайин пропаганда қилиш ниҳоят даражада масъулиятли ишдир. Партия назарияга, фанга нисбатан ленинча муносабатда бўлишга амал қилиб, чуқур билимларни, сиёсий аниқликни, савиянинг кенглигини, талант ва истеъдодни юксак даражада қадрламоқда.

Партия пропагандаси ўз вазифасига мувофиқ бўлмоғи учун у илмий муассасаларда ва олий ўқув юртларида кенг жабҳа бўйлаб олиб борилаётган хилма хил тадқиқотлардан ажралган ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас. Партия пропагандаси ўз мазмуни жиҳатидан нуқсонсиз бўлиши, энг янги илмий муваффақиятларни тўғри акс эттириши, партиянинг идеаллари ва шиорларини ижтимоий онгга етказиб бера оладиган мукаммал ва замонавий шаклда олиб борилиши лозим.

В. СТЕПАКОВ.

(«ПРАВДА» 30 январь).

ИШИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

рак. Ўқув юртини битириб чиқаётган ҳар бир киши яхши мутахассиснинг бўлиб қолмай, шу билан бирга эътиқодли жангчи бўлиб ҳам етилиши керак.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ролини ошириш — партия ташкилотларининг жонажон иши. Шу нарса жуда муҳимки, повесть ва романларнинг саҳифаларида, театрлар саҳналарида ва кино экранларида яратилган совет кишисининг умумлашган ижобий сиймоси меҳнаткашлар оммасини, айниқса ёшларни тарбиялашда намуна бўлиб хизмат қилиши керак. Бутун совет халқи каби бадиий интеллигенция ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда, у республика ижодий союзларининг бирлашган Пленумида айтиб ўтилганидек, ўзининг ижодида босиб ўтилган ярим асрлик йўл мобайнида совет халқи амалга оширган ишларнинг улуғворлигини акс эттирмоғи, Октябрь революцияси, Владимир Ильич Ленин ва у барпо этган Коммунистик партия, Совет Ватанимиз тўғрисида улкан асарлар яратмоғи керак.

Халқлар дўстлиги партиямиз қўлга кириткан жуда катта галабадир. Партия ташкилотлари меҳнаткашларни халқлар дўстлиги, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга бундан буён ҳам биринчи навбатда эътибор бермоқлари керак. Интернационал учрашув клубларини кўпроқ ташкил этиш, дўстлик кечалари, совет республикалари ва уларнинг пойтахтлари кунлари ва ҳафталикларини кўпроқ ўтказиб туриш, қардош халқлар адабиёти ва санъатини пропаганда қилиш тадбирлари ва шу кабиларни амалга ошираберіш керак.

КПСС XXIII съезди уқтиргандек, — идеология иши бутун партиянинг, барча партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг ишидир. Идеология иши мутахассис пропагандистларнинггина вазифаси деган нотўғри тасаввурдан қатъиян воз кечмоқ керак. Кишиларнинг маънавий ҳаёти учун, сиёсий тарбия соҳасидаги муваффақиятлар ва камчиликлар учун, оммага партиянинг ғоявий таъсир кўрсатиши — учун барча коммунистлар жавобгар.

Бироқ, идеология ишига раҳбарлик қилишда баъзан ноаниқликкa, оммани тарбиялаш тажрибасини, унинг эҳтиёжларини ва бу эҳтиёжларни қондириш имкониятларини ўрганишга юзаки қараш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Эски методлар ва одатлар изидан боришга ҳалигача ҳотима берилган эмас. Баъзи партия ходимлари хўжалик, технология проблемаларини ҳал этиш билангина бажонидил шуғулланиб, сиёсий вазифаларни иккинчи ўринга суриб қўймоқдалар.

Партия органларининг энг муҳим вазифаси — идеология ишининг таъсирчанлигини ошириш, унинг барча бўғинларининг самарадорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат. Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг воқеалари ва жараёнларини чуқур ўрганмай, практиканы ҳар тарафлама таҳлил этмай ва умумлаштиришни билмай туриб, ташкилотчилик ва сиёсий ишни самарали олиб бориш мумкин эмас.

Партия комитетларининг идеология ишлари соҳасидаги асосий вазифалари нимадан иборат? Идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаш-семинарида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнаткашларнинг маънавий ҳаётига, тарбиявий жараёнларга онгли ва бир мақсадни кўзлаб таъсир ўтказиш учун:

— Аҳоли турли табақаларининг ҳаёти, меҳнати ва маишатини мунтазам, объектив ва ҳар тарафлама ўрганиш, уларнинг кайфиятини билиш ва фақат билишгина эмас, балки у ёки бу ижтимоий-сиёсий воқеалар муносабати билан шакллантириш ҳамда кишиларни ҳаммадан кўпроқ тўлқинлантираётган масалаларга жавоб бера билиш;

— сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий ахборотни планли равишда бир мақсадни кўзлаб амалга ошириш, партия ички ва ташқи сиёсатининг принципларидан келиб чиқадиган аниқ мақсад ва реал шиорларни пропаганда ва агитациянинг барча воситалари билан равшан кўрсатиб бериш;

— идеология фронти барча отрядларининг куч-ғайратини бирлаштириш, ғоявий таъсир кўрсатишнинг турли форма ва воситалари нечоғли самара беришини билиш;

— пропаганданинг замонавий техника воситаларини ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш, идеология ишининг моддий базасини мустаҳкамлаш;

— ўз фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ёндошиш, камчиликларни очиб ташлаш ва бу камчиликлардан амалий хулосалар чиқариш, сўз билан ишнинг бир-биридан тафовут қилишига йўл қўймаслик, ўз фаолиятига тарбиявий соҳада қўлга киритилган амалий натижаларга қараб баҳо бериш керак.

Ана шу вазифаларнинг ҳаммасини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг роли ғоят катта. Бутун республика партия ташкилоти хўжалик ва маънавий ҳаётининг даражаси бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги, сиёсий активлиги, ташкилотчилик фаолиятига боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленуми қарорлари талаб қилганидек, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг диққат-эътиборини идеология иши масалаларига қатъий суратда қаратиш керак.

Бутун идеология ишимизни КПСС XXIII съезди талаблари даражасига кўтариш — республика партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН.

УЛУҒЛАР ИЗИДАН

Воҳид ЗОҲИДОВ

ЯҚИНГИНАДА кузатилган йилнинг охирги ойи. Дилимиз севинчи ва ҳайратимиз теранлигига монанд ҳолда бепоён осмон ҳам оftод оғушида сокин. Менинг ҳаётимда энг ҳаяжонли ва унутилмас, энг мазмунли ва маънодор бўлиб қоладиган воқеалардан бири рўй берди. У, бузруквор Навоий истиқоматгоҳи ва дўстларимиз диёри Афғонистонда бўлди.

Ҳа, декабрь. Биз ҳам афғон дўстларимиз билан мулоқотда бўлиш, янада ахиллашиш, улар диёрини сайр этиш мақсадида, ҳам бундан бир неча асрлар аввал ўтган улуғ аждодларимиз хотирасини эслаш, улар томонидан ўша ерда туриб даҳо кучи ва пешана тери билан, шеърбахш ва тасвирчи қиқалам билан, нақшли тош ва юксак миноралар билан, ғоят ҳайратли ва ҳаяжонли, дабдабали ва даҳшатли ҳодисалар билан тўлдирилган улкан солнома саҳифаларини бевосита кўриш — ўқиш мақсадида, хуллас, ўшал улуғларнинг фаолият изларини шу саҳифаларда янада яхшироқ кўриш-таниниш ва уларнинг улуғворлиги ҳамда журъатига таҳсинлар айтиш мақсадида тоғлар оша чегарадан ўтдик. Манзилга ҳам етдик.

Бир ҳафта мобайнида машҳур ва қадимий Қобул ва Ҳирот, Қандаҳор ва Ғазна шаҳарларида бўлиб, кўпгина қишлоқларни кўрдик, анчагина афғон биродарлар билан — давлат арбоблари ва оллимлар, ёзувчилар ва оддий кишилар билан учрашдик, қуюқ ва самимий суҳбатлар ўтказдик. Узоқ мозийга саёҳат қилдик. Таассуротлар шу қадар зўр ва кўпки, ҳамон уларнинг ўта ҳаяжонли таъсири ҳукмронлигидаман. Уларни қоғозга тушириб тамом қилиб бўлмаса керак. Айни замонда бу таассуротларнинг бениҳоя зўр таъсирини муайян даражада бўлса-да, кўнгилдагидек етарли ифодалаш ҳам жуда маҳолдир. Баъзиларнигина муҳтарам ўқувчиларга қўлимдан келганча баён қилишга уриниб кўраман.

□ □

ДУНЕНИ АЗИМНИ ташкил этган беш қитъадан энг муаззам учтаси — Европа, Осиё ва Африканинг аксар мамлакатларида ва кўпгина шаҳарларида бўлдим. Лекин уларнинг ҳеч бирисига бориш менда бу дўстларимиз диёри — Афғонистонга бориш-дагидек чексиз қизиқиш ва ҳаяжон уйғотмаган эди. Бу бутунлай табиий ва қонуний бир ҳол бўлиб, ўзининг жиддий бонси ва сабабларига эгадир.

Афғонистон бизга энг яқин ҳамсоя ва дўст мамлакатлардан биридир. Унинг осмон билан ўпишган ва бир-бири билан узлуксиз уланиб кетган муаззам тоғ тизмалари ва дилрабо манзарали ерлари бор. Унинг узоқ тарихи, ҳуш ҳавоси ва ажойиб ҳалқи бор. Унинг қадимий маданияти ва ғоят гўзал келажаги бор.

Дарҳақиқат, афғон халқи юксак қобилиятли ва матонатли. У, меҳнатсевар ва ижодкор. У дўстлик ва ҳамкорликни, тинчлик ва осудаликни ардоқлайдиган, улуғлайдиган халқдир. Одоб ва тавозеда, бой диндорлиги ва инсофлилиги ҳам бошқалар олдида қизармайдиган халқдир.

Афғон ва ўзбек халқлари қадимдан дўст ва биродар, жўра бўлганлар. Бир тизма тоғлар шаббадасидан баҳра олиб, бир азим дарёдан сув ичиб, унинг «оби ҳаёт»ини одам ризқи-рўзига бўйсундириш ҳаракатида бўлганлар. Айни замонда ажойиб маданий бойликлар ижод этганлар. Яна айни замонда ташқи ғоратчилар кулфатини бирга тортганлар. Бирга курашганлар, бирга енгганлар.

Дарҳақиқат, ўз бошланғичини узоқ мозийдан олдиган тарихга бир назар ташланг! Ички зулмкор ва ғаддор жафочиларнинг зуғми етмагандай, ташқи ғоратчилар ва талончилар нималар қилмади?! Ери унумли, ҳавоси шифоли, суви зилол ва тоғлари жавоҳирли бу мамлакатга жаҳонгир македониялик Александр армияси ташланди, талади, унинг озодликсевар халқини эзанжирбанд қилди.

Лекин Афғонистон аламатлари ва ўрта Осиё халқлари узоқ муддат давомида жонтикиб курашдилар. Енгдилар.

Маълум вақтлар ўтди. Ажал олати бўлган қилич ва вайроналик воситаси ҳисобланган олов билан от чопган қирғинчи ёв — Чингизхон каллакесарлари ташланди. Бу ғоратчилар, улуғ Навоий таъбири билан айтганда, чигиртканда ёпирилдилар, ҳар ерда ҳар бир кўкариб турган нарсани талаш ва топташ билан машғул бўлдилар. Мамлакат бахтини қаро, фуқаро толеини забун қилдилар.

Яна ўшал азаматлар, халқлар фидокорона курашдилар. Енгдилар.

Маълум вақтлар ўтди. Олтин орқасидан югуриб эроний истилочилар ташланди, жон қасдида бу диёр сийнасини жароҳатлар билан тўлдирди, уни катта қушхонага айлантирди.

Яна ўшал муборизлар қаҳрамонона олишдилар. Енгдилар.

XIX аср ва XX аср аввалари. Ҳам катта талончилик мақсади ва милтиқ билан, ҳам фитна-фужур ва заҳар билан қуролланган инглиз мустамлакачилар ташланди. Афғон мулкини талон-торож этиш, бу халқни таҳқир қилиш ҳатто шу даражагача етдики, масалан, Ғазнадаги машҳур Маҳмуд Ғазнавий мақбарасининг ғоят моҳир ўймакорлик билан қилинган эшикларини, юксак санъаткорлик намунаси бўлган баъзи қабр тошларини ҳам олиб кетдилар.

Яна ўшал афғонлар ва тожик қамда ўзбеклар ва келгинди қароқчилар билан курашдилар. Бениҳоя қаҳрамонлик ва фидойилик кўргазиб, ниҳоят енгдилар.

Бу кураш ва қаҳрамонликнинг, бу фидойилик ва ғалабанинг баъзи даврлари ҳақида сўзлаб афғон халқининг дўсти, улкан ўзбек шоири Фурқат 1897 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да қуйидагиларни ёзган эди:

«Ушбу вақтларда ҳар ўн беш кунда бизга келиб турган «Пайсан аҳбор» ном Ҳиндустон газетида ёзилдурки, шул кунларда инглиз бирлан кўҳистоний афғонларнинг ароларида бўлуб турган муҳориба ниҳоятда қаттиғдур. Хусусан Савот мавзиъида қизиқ муҳорибалар воқиъ бўлуб туродур. Андин бошқа Навшаҳр деган мавзиъда ҳам муҳориба бўлуб туродур. Қарийбки, афғон халқи Навшаҳрни мусаҳҳар қилсалар ва яна бир жамоа афғон лашкари Пишовур қалъасиға яқин бориб туруб, ҳар кун муҳориба қиладурлар. Яна андин бошқа ички-уч ерда хейли қаттиғ муҳорибалар бўлубдур. Афғон халқининг ҳадду ҳисоби йўқтур. Кўб инглислар вужуд шаҳристонидин адам саҳросиға юз қўюбдур. Бовжуди инглис аскари пайдар-пай келиб турадур... Алҳол жамоаи афғонларнинг бу тариқа ҳужуми ҳавфидин Жайлам дарёсининг наноросиға ҳисобсиз инглиз лашкари кўб тубхона бирла келиб ётибдур. Маланкан деган мавзиъда ўн минг чоғлиқ афғон халқи бирлан инглис лашкари орасида муҳорибе бўлуб, афғон халқи шикаст топган вақтда афғон хотунлари ярлари қўлидан уруш асбоблариии олиб, якбора ўзларини инглиз лашкариға уруб, бир ярим соатда инглисларга шикаст берибдурлар...».

Шундай қилиб афғон халқи қуллиқда тиз чўкиб яшашдан баҳодирона олишиб жон фидо қилишни афзал кўрди.

Дарҳақиқат, ватан озодлиги ва ўз бахти-саодати, ор-номуси ҳамда қадр-қиммати йўлида кўргазилган бу қаҳрамонлик, бу фидойилик нақадар улуғвор, нақадар катта таҳсин-у тасаннога сазовор! Ўзбек халқи фарзандининг буни юксак фараҳ ва ҳайрату ҳаяжон билан тилга олиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Ҳа, узоқ асрлар мобайнида афғон элининг бошига не-не кулфатлар тушмади?! Ички талончилар зуғмидан ғамхонага айланган минг-миг кулбалар ташқи ғоратчилар зулмидан кул бўлди ва жафокаш афғоннинг фиғони кўкка етди; кўзи ёш билан тўлган нотавонлар бағри қон бўлди; дили бир дам ором билмаганлар хор-зор ва хонисор этилди.

Хуллас, афғон хонадони аза билан, ер ажал ва осмон аланга билан тўлди.

Халқ курашди. Енгди. Енгилди. Яна курашди. Яна енгилган вақтлари ҳам оз бўлмади.

Шу зайлда олишув ва келиб-кетиб турган ғалаба билан асрлар ўтди.

Лекин узуздан-узоқ тарихнинг икки даври ажралиб туради: XV—XVI асрлар ва айниқса ҳозирги асримизнинг ўтган йиллари.

Мен ҳозир шу «ўтган йиллар» ҳақида сўзлайман, сўнгра биринчи давр ҳақида баҳс юритаман.

АСРИМИЗ бошидаги ўн еттинчи йил Октябри. Шу пайтда инсоният уфқида кўтарила бошлаган қуёш нурлари ва бошланган ижтимоий баҳор бўронлари жафокаш афғонликлар диёри ва дилига ҳам етиб борди, уларнинг қучига куч, қатъиятига қатъият қўшди. Инглиз ва немис мустамлакачилар чекинишга мажбур бўлди. Ўн тўққизинчи санада Афғонистон миллий мустақилликни забт этди. Шу йилиёқ уни биринчи таниган Совет ҳукумати ва мамлакати бўлди, биринчи моддий ёрдам қўлини чўзганлар ҳам шулар бўлди, ушбу мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда кўп жиҳатдан ҳал қилувчи роль ўйнаганлар ҳам шулар бўлди, белгиловчи омил ҳам шу бўлди.

Мана ўшандан берли неча-неча хатарли, лекин зафарли йиллар ўтди. Улуғ Октябрь ва Ленин бошлаган олижаноб ҳаракат-ёрдам давом этди, кучаяверди. Натижада бу йиллар қўшнимиз учун қад ростлаш ва тараққий этиш йиллари бўлди.

У ерга бориб ва буни ўз кўзимиз билан ҳам кўриб ҳурсанд бўлдик.

...Афғон авиация ширкатига тегишли лайнер бениҳоя чўллар ва ҳамиша қор билан қопланган баланд тоғлар устидан, қаттиқ бўронларни ёриб ўтиб, бизни Афғонистон пойтахти ерига авайлагандай қўндирди.

Қобул! Яқиндагина тор ортидан кулиб кўтарилган қуёш еру кўкни забт этиб, ўзининг азалдан ҳар куни қиладиган ишини бошлаган экан. Осмон, Навоий таъбири билан айтганда, фусункор афғон аёлларининг гўзал ва ишвали, ғамзали кўзлари каби мовий ва мусаффо. Ҳаво ҳам сирли сукут ва сокинликда. Майин шабада ҳам меҳр-муҳаббат билан одамларни эркалаётгандай. Кўкда қушлар қуёш ёғдулари оғушида шу ёғдулар ва бир-бирлари билан ўйнашиб, ўзларигагина тушунарли тилда севинч суҳбати ҳамда сайрини қилардилар, гоҳ ўқ тезлигида юқори кўтарилар, гоҳ эса бургут ҳамласига ўхшатиб пастга шўнгирдилар.

Қиш фасли бўлишига қарамай, табиат шундай майин табассум билан боқарди, шундай осуда нафас оларди...

Аэропорт биноси. Сўнгги меъморлик ва муҳандислик фани ҳамда техникаси асосида қурилган. Барча маҳаллий шароит талаблари ҳисобга олинган. Ғоят муҳташам ва шинам, муаззам ва кулиб турагандай. Унда қандайдир ўзига хос ҳуси, салобат ва ажойиб файз бор.

Сабаб жуда маълум: ахир у совет кишиларининг ўз афғон дўстларига бўлган самимияти ва меҳри-муҳаббатидан, ҳуси рағбатидан унган...

Шаҳар ичига кира бошладик. Атроф тоғ, тоғ ва яна тоғ-тепалар билан ўралган. Улар ҳам кўп асрли нечмишнинг биргина қолган тилсиз шоҳидидай мағрур қад кўтариб турмоқдалар, ҳам пойтахт, унинг халқининг ғурури ва салобати тимсолидай кўзга кўн даланг бўлиб ташланмоқдалар. Шаҳар унинг кўчалари, Бағдод ҳақидаги эртаклардагидай раста ва бозорлари мухталиф рангдаги кийимли одамлар билан, шовқин-сурон, хайқириқ ва чақириқлар билан тўла. Оддий бўздан тортиб то ҳайратомуз ким хобга қадар бор. Одамлар тортиб кетаётган аравадан бошлаб то четдан келтирилган энг кейинги маркали машинага қадар бор. Чодрага ўралган маъсумалардан, занфалардан тортиб то сўнгги модали аёлларга қадар бор. Тиллар ҳам ҳар хил: пушту ва форс, рус ва ўзбек, инглиз ва француз сўзлари эшитилган-эшитилган. Айниқса чайқовчи ва даллол ҳаракати жадал ҳамда овози баланд.

Лекин энг муҳими — ижтимоий тараққиётга интилаётган халқ; янги кўчаю қиёбонлар; яқинда қурилган ёки қурилаётган муҳташам биноларнинг мамлакат ривожланишини таъмин этишга мўлжалланган янги режалари.

Бизни кузатиб юрган афғонликнинг қаергa бормайлик бизларга «Мана бу бир неча йилгина аввал қад кўтарган», «Мана бу яқинда яратилган», «Мана бу жуда янги», «Мана бу яқинда қурилиб бўлади» деб фараҳ ҳамда севинч билан айтган сўзларида кўп маъно бор.

Бу бизни ғоят ҳурсанд қилди, албатта.

Бу янгиликлар орасида Совет Иттифоқининг иштироки, илтифоти ва иноятн билан амалга оширилганлар ўз сифати ва аҳамиятлилиги жиҳатидан айниқса ажралиб турадилар. Улкан нон пишириш корхонаси, саноат муассасалари, бир неча йирик ўқув юртлари, ажойиб меҳмонхоналар шулар жумласидандир.

Бунинг устига, у қурилаётган электростанция ва ер қазиб топилаётган бойликларни, янги ирригация иншоотлари ва «оби ҳаёт» артерияларини айтмайсизми!

Ахир, ривожланиб келаётган бу мамлакат учун темир керак, нефть ва газ керак. У электр қувватига, нурига ва сувга жуда чанқоқ...

Темир йули ҳеч бўлмаган ва аксар территорияси тоғлар билан қопланган бу мамлакат учун ҳозирги замон автотрассалари қанчалик муҳим экаслиги маълум. Бунда ҳам Совет ҳукумати ўзининг олижаноб дўстлик бурчига содиқ қолди.

Унинг ёрдами билан қурилган йўллар орасида айниқса Қобул — Қандаҳор ўртасидаги трасса ҳар жиҳатдан ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Биз Қобулдан Қандаҳор томон кетаётган эдик. Йўлимиз — ўша трасса. Унинг чеканларида ҳар юз-юз эллик километр масофа оралиқларида ғоят кўркам, чиройли янги биноларнинг қад кўтариб турибди. Шулардан бирида хордиқ чиқариш учун бир оз вақтга тўхтадик. У, йўловчилар дам олиши учун қилинган меҳмонхона экан. У шу қадар гўзал ва муҳташамки, ҳамон кўзларим ўнгида бутун ёрқинлиги, ёқимлилиги ва салобати билан гавдаланиб турибди.

Бир-икки пиёла чой ичиб озгина дам олдик, сўнг мен меҳмонхона боғчасига чиқдим. У ерда бир неча афғонликлар бор экан. Салом-алик қилишдик. У ёқ-бу ёқдан сўзлашдик — анчагина хушчақчақ одамлар экан. Суҳбат ваҳо улардан бири деди:

— Узунликда етти юз километрдан ортиқ, лекин мустаҳкамликда, муҳимлик ва гўзаллиқда тенги йўқ бу йўл Афғонистоннинг безаги ва кўркидир, барчамизнинг фахримиздир. Уни бизда одам аъзосидаги асосий ҳаёт томирига ўхшатадилар. Ҳақиқатан ҳам у мамлакатимизнинг бош қон томирларидандир. Ҳа, худди шундай...

Бу сўзларни айтиб, у одам бетондан қилинган ва нафтдай текис йўлга чуқур маъноли қаради, унинг тоғ оралиқларига кириб кетган давомигача назар ташлади ва самимий ҳамда сирли табассум билан кўшиб қўйди:

—Бу йўл шўравийлар билан бўлган дўстлигимиз оқибатидир, шўравийлар берган ёрдам натижасидир. Ғоят миннатдормиз.

Ҳа, худди шундай.

Бизга кўргазилган катта меҳмондорчиликдан, анчагина афғонликлар билан бўлган мулоқотларимиздан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу сўзлар биргина суҳбатдошимизнинг тилигагина тааллуқли бўлмай, афғон халқининг дил сўзларидир, шу халқнинг Совет Иттифоқига бўлган миннадорчилиги ва меҳр-муҳаббати ифодасидир. Айни замонда бу сўзлар совет кишиларининг Афғонистонга кўрсатаётган барча кўмакларига нисбатан изҳор этилган миннатдорчилигининг тимсоли ва умумлашган ифодаси ҳамдир.

Табиийки, фахрланишдан бизнинг бошимиз ҳам осмонга етди...

Биз юқорида афғон халқининг юксак фазилатлари ва ажойиб хислатлари ҳақида гапирган эдик. Дарҳақиқат, катта қобилияти, ижоднор меҳнати ва оташин ватанпарварлиги туфайли бу дўстимиз, унинг диёри мустақиллик даврида, айниқса кейинги йилларда миллий қурилишнинг деярли барча соҳаларида жуда сезиларли ютуқларга эришган. Бу, саноатда ва қишлоқ хўжалигидаги силжишда, янги билим ўчоқлари ва ҳозирги замон савиясидаги знёлилар пайдо бўлишида, шаҳар қурилишлари ва кўпларнинг юриш-туриши ҳамда фикр қилиш йўсинида кўзга ташланади.

Биз бу мамлакатда рўй берган ижобий ўзгаришларни кўриб, Афғонистон учун, унинг халқи учун ғоят хурсанд бўлдик. Ахир, биз дўстмиз, дўстлик қонуни, хислати ва хусусияти эса дўст ютуғидан севиниш ва дўст шодлигидан мамнун бўлишдир, унга янги ютуқлар тилашдир.

Сафаримиз қизиқарлилигининг бир сабаби шудир.

Бошқасининг баёни кейинги мақолада бўлажак. Унда зўр ҳаяжон ҳақида ҳам сўз кетажак.

Унга қадар бу ерда биргина шуни айтиб олай.

Шу охирги сатрларни ёзарман, ташқарига билдиқтиёр кўз ташласам, тонг бириша бошлабди. Шарқ уфқини олов ранг қоплабди. Кўёш тун уйқусидан уйғониб, ўзининг ҳаётбахш ва заррин энёси билан коиноту ер куррасини безашга кириша бошлабди. Қушлар ўз тилларида мадҳия ўқиб, севинчдан шох-бошох сакраб, уни кутиб олаётгандай.

Нақадар ажойиб сирли ва гўзал манзара! Оё, булут кўтарилмасин.

Шунда ва шу туфайли хаёлим узоқ-узоқларга яна кетиб қолди ва барча башарият тақдирини ҳал қиладиган масала уни чулғаб олди.

Ҳа, инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ғоят мураккаб ва масъулятли. Океан орти ва ғарб пулдорлари ҳамда қулдорлари янгича талончилик — неоколониализм билан қуролланиб, ё очиқ ҳаракат қилиб гўзал планетамизни халқлар учун катта қушхонага, зулматли ҳибсхонага ва қоронғи кулфатхонага айлантириш ниятидалар. Шу ниятда улар Вьетнам сийнасига бомба ёғдирмоқдалар, Анголада қилич ўйнатмоқдалар, бошқа ерда «дўстлик» ниқобини тақиб олиб фитна-фужур уюштирмоқдалар. Халқ бахти ва осудалигини ичдан, зимдан кўпформондалар, яна бошқа ерда — бунга эришмоқчилар.

Бу бало хуружи ва ҳужуми барбод бўлажак, албатта. Лекин бунинг учун барча тинчликсевар халқлар ва мамлакатларнинг фаол бирлиги, дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиши лозим.

Ҳозирги башарият, ҳали туғилмаган, лекин келажак соҳиби бўладиган авлоддар ҳукми ва талаби шу!

Фашист жаллоди қаршисида Юлиус Фучикнинг қатл этилиш олдидан барча инсониятга қарата қилган қуйидаги нидоси олам-олам маънога молик:

«Инсонлар! Мен сизларни севаман.. Оғоҳ ва эҳтиёт бўлинглар!».

Улуғ гуманист ва халқпарварнинг бу сўзларига риоя қилиш ҳозир янада зўр ҳаётий заврат бўлиб қолди...

Бу — доно ақл ва соф виждон талаби!

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек халқ қуйлари. 9.30 — Фортепьяно пьесалари. 10.10 — Қўшиқлар. 10.30 — Опералардан парчалар. 11.10 — «Қишлоқ маданияти юксалмоқда» (суҳбат). 11.25 — Енгил куйлар. 12.15 — Спорт (рус.). 12.30 — Топишмоқли концерт. 16.10 — «Семург» (адабий музикали композиция). 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 18.10 — Рус қўшиқлари ва рақс куйлари. 18.30 — Оркестр куйлари. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан. «Октябрь байроғи остида» (музикали радиокомпозиция). 20.45 — «План ва сифат» (репортаж). 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Коммунистик ахлоқ ва тарбия темаларида. 22.15 — Куйлар. 22.40 — Поэзия кечаси. 23.20 — Концерт (Тошкент область, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашларининг талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.15 — **Юлдузча** (тележурнал). 18.50 — **Юбилей йилида — мўл ҳосил учун** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 19.05 — **Томоша майдонига йўл** (бадиий фильм).

20.40 — **Телевизион янгиликлар.**

20.55 — **Эртаги кун программаси.**

21.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 18.00 — **Ҳеч уйқум келмаяпти, биронтангиз ёрдам беринг** (болалар учун). 18.20 — **Телевизион янгиликлар.** 18.30 — **Ажойиб кишилар орасида** (бадиий фильм).

Қозоқ тилида: 19.50 — **Янги ҳосил учун.**

Ўзбек тилида: 20.10 — **Телевизион янгиликлар.** 20.20 — **Ватанпарварлар мактаби** (ДОСААФ 40 йилда). 21.00 — **Қардош республикаларнинг чолғу куйлари.** 21.30 — **Тўрғай** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 2/II да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да **Гамлет**, 2/II да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 1/II да **Ўғил уйлантириш**, 2/II да **Ёшликда берган кўнгил.**

КИНО

Дзюдо доҳийси (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Хўжа Насриддиннинг 12 қабри — СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ, НАВОИЙ НОМЛИ, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дурангсиз ўйин — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 12 ва кеч 9-40 минутда), НАВОИЙ НОМЛИ (кеч соат 10 да).

Тенгалликим тарихи — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Бриллиантхўр — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 ярмда).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ

8-10 синф ҳажмида маълумотли, 18 дан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизларни буфетчи ва официант касбларига ўқитиш учун қисқа муддатли курсларга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсни тамомлаганлар Тошкент шаҳар ресторан ва кафеларида ишлаш учун юборилади.

Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 15-уй, 7,8,10, 11-трамвайларнинг «Туркман бозори» остановкаси, кадрлар бўлими.

Тошкент политехника институтининг коллективи сиртқи ва кечки таълим бўйича олий математика кафедрасининг старший ўқитувчиси Х. А. Саримсоқова укаси

Комил Ахмедович **САРИМСОҚОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Театр жамияти Фарғона область театрининг кекса ишчиси

Ғанижон **ҲАТАМОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИДА

ИТАЛИЯ

РИМ. Италияда ўтган йили саноатда ва хизмат кўрсатадиган соҳаларда бўлган забастовкалар натижасида 310 миллион иш соати бой берилди. Италия Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари Агостино Новелла конфедерация томонидан ҳар йилнинг бошида уюштириладиган матбуот конференциясида шу маълумотларни келтирди. Агостино Новелла корхона эгалари меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари билан ҳисоблашиши мутлақо истамаганликлари натижасида стачкалар кескин тус олганлигини ва кўпинча узоқ вақт давом этганлигини таъкидлади.

Кураш ўз самарасини берди: ўтган йили саноатчилар билан 45 та коллектив шартнома тузилди. Бу шартномалар 4 миллион 200 минг меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини гарантиялайди.

Италия Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари ишчилар синфи ҳаракати бирлигини ва касаба союзларининг ташкилий бирлигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш зарур, деди.

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ. ПТИ агентлиги хабар беради: Андхра-Прадеш штатидаги давлат муассасаларининг хизматчилари иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб етти кунлик забастовка ўтказмоқдалар.

Штатнинг маъмурий марказ Ҳайдаробод шаҳридаги давлат муассасаларининг иши бутунлай тўхталиб қолган.

АРГЕНТИНА

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина пойтахтида Американинг «Кайзер» компаниясига қарашли автомобиль заводининг 10 минг ишчиси номаълум вақтгача забастовка эълон қилди.

Иш ташловчилар 2.300 ишчининг ишдан бўшатилганлигига қарши ва маъмуриятнинг меҳнат шартномаларини тиклашдан бўйин товлаётганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

ИСПАНИЯ

НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Мадриддан хабар беради: «Марнони» компаниясининг рўзғор учун электр асбоблари ишлаб чиқарадиган заводида 3 мингга яқин ишчи иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб иш ташлади.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Хитойда Советларга қарши шовқин-сурон давом этмоқда. Пекиндаги Совет элчихонаси олдида бебошликлар тўхтамаётир. Хитой матбуотининг саҳифалари Совет Иттифоқига қарши ғазабли бўҳтонлар билан тўлиб-тошган. Хитой армиясининг хунвэйбинлар ва цзаофанлар («ғалаёнчилар»)га ёрдамга ташланган ҳарбий қисмларида Советларга қарши митинглар ташкил этилмоқда. Синьхуа агентлигининг хабарларига кўра, ҳарбий хизматчиларнинг «Синьцзянда ва Фуцзянь фронтида» бўлиб ўтган митингларида Советларга қарши шиорлар айтилган.

Советларга қарши васваса кампанияси матбуот ва даҳшатли варақалар)да бошқа барча темаларни суриб чиқарган бўлсада, Хитойнинг турли районларида бўлаётган ғалаёнлар ва қуролли тўқнашувлар тўғрисидаги хабарлар келиб турибди.

Пекиндаги яқин мухбирлари (ҳозирги вақтда совет мухбирлари нормал ишлаш имкониятидан маҳрум этилганлар) даҳшатли баоза асосланиб хабар берадиларки, Шихэцзи шаҳридаги (Синьцзян) «кўчиб борган ҳарбийлар армия қўллаб-қувватлаётган хунвэйбинлар ва цзаофанларга қаршилик кўрсатаётганликларини хабар берадилар. Хитой армияси қисмлари Шихэцзини қуршаб олганлар, аммо «қуршовдаги баъзи бир ҳарбий қисмлар қуролларини ташлаш ва таслим бўлишдан бош тортмоқдалар».

Пекинда атоқли ҳарбий бошлиқ, ХХР Давлат кенгаши бошлиғининг ўринбосари Хэ Лунни таниқид қилувчи даҳшатли баолар сони кўпайди. Шу материалларда айтиладики, 29 январда «Партияга қарши, халқ озодлик армиясига қарши чиқаётган Хэ Лун гуруҳини батамом аёвдариш ҳақида комитети» «Революцион исёнчилар ташкилотининг аъзоларя революциягa қарши унсур Хэ Лунни қамаганликлари ва фош қилганликлари тўғрисида» эълон қилган.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ҳамда Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳарбий комитетининг қарори билан мамлакат граждан ҳаво флоти армия ихтиёрига ўтказилган.

(ТАСС, 30 январь).

Урхо Кекконен Болгарияга келди

СОФИЯ, 30 январь. (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси Георгий Трайковнинг таклифига биноан, Финляндия Президенти Урхо Кекконен ғайри расмий визит билан бугун Софияга келди.

Жазо отрядларининг жиноятлари

ХАНОЙ, 30 январь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронтининг вакили Венсук шаҳрини вайрон қилган ва «Дзонаси» деб аталмиш зонани ваҳшиёна бомбардимон қилган Америка ҳарбийларининг жиноий ҳаракатларини қаҳр-ғазаб билан қоралади. Мазкур жазо операцияси вақтида тинч аҳолидан 200 дан ошиқ киши ўлдирилган, 8 мингдан ошиқ киши эса, концентрацион ерларга ҳайдаб олиб кетилган, деб хабар беради «Озодлик» агентлиги.

АЖОЙИБОТЛАР, ҲАНГОМАЛАР...

Бўрон билан олишув

Қурама тизма тоғларида бошланган қор бўрони натижасида денгиз сатҳидан 2600 метр баландликда жойлашган телевизион эшиттиришларни ретрансляция қилувчи станциянинг антеннаси қулаб тушди. Оҳангарон кўмир ҳавзасидаги ночиларнинг оилалари телевизион эшиттиришларни кўришдан маҳрум бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг инженерлари Ш. Обидов, Р. Азизов, С. Савадов ва электр пайвандчи И. Удовиченколар алпинистлар билан бирга эрта тонгда тоққа чиқиб кетишди. Улар ярим тунда станцияга етиб келишди. Йўл жуда оғир эди. Инженерлардан бирининг оёғи музлаб қолди. Группа радио орқали авиаторлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлди; тошкентлик учувчи Б. Борисов об-ҳавонинг ноқулайлигига қарамасдан «МИ-4», вертолётида станцияга етиб борди ва инженерни пойтахтга олиб қайтди. Қолганлари эса антеннани ўнглаб, водийга соғ-омон қайтиб келишди.

В. ШЕВЦОВ,

Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири.

(«НЕДЕЛЯ»дан).

Ихтирочи халоскор

Зотдор тарғил сигирлар подаси колхозлараро ферма томон тинчгина келарди. Кутилмаганда автомобиль сигнали эшитилиб қолди ва сигирлар тўғри келган томонга қараб чопиб кетишди. Ўн уч сигир суюлтирилган шағал тайёрланаётган чуқурга тушиб кетди. Уларни қўл билан тортиб олиш мушкул эди. Автокран етиб келганда эса, сигирлар анча чуқурга ботиб кетганлиги ва уларни арқон билан тортиб чиқариш қийинлиги маълум бўлди.

Одамлар тўпланиб, уларнинг ҳар бири турли хил маслаҳатлар бера бошлади. Жаҳли чиққан подачилардан бири ҳам ғишт терувчи Тилленс Илжановга ўз маслаҳатини айтди. Тилленс ишга киришиб кетди. Одамлар солярка олиб келишди. Ғишт терувчи эса чуқур устидаги тахтада юриб, солярканги сигирлар атрофига қуя бошлади ва эриган шағал ичида турган сигирларнинг бўйнига арқон ташлади. Кран билан ўн уч сигир чиқариб олинди.

П. НОВОКШОНОВ,

«ИЗВЕСТИЯ» мухбири.

Ашхобод.

Ер ости силкиниши

30 январь Москва вақти билан соат 4-20 минутда Тбилиси аҳолисини тўрт баллик ер қимирлаш уйғотди. Тбилиси сейсмик станциясида ТАСС мухбирига хабар берилишича, ер қимирлашнинг эпицентри Ленинакан шаҳри районида. У ерда 5-6 балли силкиниш қайд қилинган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Сизнинг адресингиз: СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 27. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 00584.